

جدید

2025-yil 25-aprel
№ 17(69)

www.jadid.uz



Tilda, fikrda, ishda birlik!

Jadid

adabiy, ilmiy-ma'rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta



@Jadidrasmiy



@Jadidmediauz



@Jadidrasmiy



@Jadid_uz

ШУКРОНАСИ ВА ҲАМИЯТИ БУТУН ОДАМ ЭДИ

Мен дунёни нима қилдим?
Ўзинг ёруғ ҳаҳоним,
Ўзим хоҳон,
Ўзим султон,
Сен тахти Сулаймоним,
Ёлғизим,
Яғонам дейми,
Топинган қошонам дейми,
Ўзинг менинг улуғлардан
Улуғимсан, Ватаним...



(4-саҳифада ўқинг).

ХУШ КЎРДИК

Кейинги йилларда кўшни мамлакатлар билан иқтисодий-маданий, адабий-маърифий алоқалар чин маънода кучайгани сир эмас. Зеро, кўни-кўшничилик, дўст-биродарлик, яхшилик йўлида кўлни кўлга бериш маънавият соҳасида ҳам қайсидир маънода “бутун олам тортишиш қонуни”га бўйсунди. Зеро, ораста кўнгиллар бири-бирига интилади, бири иккинчисини соғинади. Ўтмишда илдизлари битта бўлган улкан дарахтларнинг мевалари тотли, соялари манфаатли ва куюқ бўлиши ойдек аён гап. Эл ободлиги ва тинчлиги, мамлакат аҳлининг фаровон турмуши йўлидаги ҳар қандай хизматдан инсон мамнун бўлади. Одатда кўшнilar гурунгида табиий равишда шонли тарих, олис-яқин ўтмишда бунёд бўлган шаҳарлар, қасрлар, қошоналар билан бирга улуғ алломалар ва уларнинг ўзаро маънавий-руҳий робиталаридан сўз очилади.

Тўғриси, Туркменистон Республикаси миллий етакчиси Гурбангули Бердимухамедовнинг Самарқандга ташрифини эшитганимда, хусусан, Ўзбекистон Президентини меҳмонни кутиб олиб, биргаликда тарихий масканларга зиёрат қилганини кўриб ҳаёлимдан юқоридаги фикрлар ўтди. Ўзбек ва туркман халқларининг бирдамлиги, оғзибирлиги, илм-фан ва маданият соҳасидаги ҳамкорлиги Марказий Осиё минтақаси учун жуда улкан аҳамият касб этади. Ер юзининг сайқали Самарқандни кўришга орзумандлар жуда кўп жаҳонда. Бу улуғ шаҳарни насиб этган томоша қилади. Самарқандга кейинги йил ва ойлarda дунёнинг турли минтақаларидан шундай мартабали шахслар кўп келди. Улар орасида президентлар, вазирлар, ар-боблару алломалар бор. “Шарқ тароналари” халқаро мусика фестивалида санъаткорлар, халқаро анжуманларда турли соҳа олимлари Самарқандга бу-

ТУТАШ ТОМИРЛАР



тун борлиги билан сингиб кетишда ва яна такрор келишни ният қилишдаи.

Бу қадим ва навқирон шаҳарнинг маънавий об-ҳавосидан нафас олган, осмонда чарақлаган юлдузларни кўрган ҳар ким беихтиёр Амир Темурни, Мирзо Улуғбекни ёдга олади. Ҳазрат Алишер Навоий бу масканда бир неча йил истиқомат қилди, ўқиди. Навоийни ўзига устоз билган туркманларнинг улуғ шоири Махтумқули шеърларининг бирида самарқандлик уламоларни, Самарқанд шаҳрини эҳтиром билан тилга олади. Ўзбек ва туркман халқларининг миллий ифтихори бўлган икки шоир орасида, гарчанд бир неча асрлик масофа бўлса ҳам, улар доимо устоз-шогирд мақомида эсланади. Махтумқули Самарқандни улуғлаб ҳавас қилган бўлса, ҳазрат Алишер Навоий ўз вақтида маданият, илм-фан маркази бўлган Марв (ҳозирги Мари) шаҳрига, марвазийларнинг инсоният тарихидаги

миссиясига шу даражада юксак баҳо беради. Шунингдек, ҳазрат Алишер Навоий асарларининг қаҳрамонлари Марв шаҳрига бутун қалби билан интилади:

“То боқиб Марв сари бош урайин,
Бошни кўк манзаридин ошурайин”.

Илм-фан ва маданият маскани бўлган бу шаҳар Алишер Навоий учун жуда қадрдон эди.

Алишер Навоий ўз сўзининг қуввати дунё аҳли қалбига етиб боришини чуқур англаган шоир эди. Шунга кўра:

“Кўнгул бермиш сўзума турк жон ҳам,
Не ёлғиз турк, балким туркмон ҳам”,

– деб ёзди. Муҳташам Маворауннахрнинг дунёга донг таратган таълим даргоҳлари жойлашган Самарқанд, Марв, Бухоро, Нисо, Хива каби шаҳарлари

ҳали ҳамон улуғлар ёзган асарлар орқали гўё тирик инсондек башариятга сўз қотади. Шу эътибордан Махтумқулининг Хива мадрасасига қараб:

“Аҳратарман энди оқу қарони,
Дўст-рақиб, қардошим, Ҳақни, ёронни,
Ўқидим, кўтардим Китоб – Қуръонни,
Кетар бўлдим, хуш қол, гўзал Шергози”,

– деган мисраларида чуқур маъно бор. Бошқа бир шеърида Махтумқули:

“Қадрдон дўстингдан юзинг ўғирма,
Борсанг, боши узра тож этар сени”,

– деб ёзди. Шоирнинг бундай ҳикматли байтлари умуминсоний моҳиятга эга, албатта. Чунки чин дўст кўлни кўлга бериб дўсти билан бирга юксалади.

Замонамизга яқинроқ келаман. Истеъдодли, қаҳрамон шоиримиз Эркин Воҳидов бир шеърида “Туркман – туташ томирим”, деб ёзган эди. Зеро, туркий миллатларнинг илдизи бир, тарихи бир, тиллари жуда яқин. Ўзбек билан туркман ўзаро суҳбатларида учинчи бир тилмочга зарурат сезмайди. Бу қон-қардош икки халқ асрлар давомида Жайхун бўйларида ўзаро қуда-анда, дўсту иноқ бўлиб яшаб келади.

Гапимни шеърларида устозларининг адабий пафосини давом эттирган дашўғизлик талантли шоир Абдувоҳид Сайид Муҳаммаднинг куйидаги мисралари билан тугатишни маъқул кўрдим:

Икки қардош – икки эл
Бир-бирини оғам дер.
Бир-бирига ошнам деб,
Боласига чағам дер,
Беш минг йилми – ўн минг йил
Бир қосадан овқат ер,
Шундайин барқарордир
Ўзбек-туркман дўстлиги.

Баҳодир КАРИМ

МУТАФАККИРЛАРИМИЗ



ХОЖА БАҲОУДДИН НАҚШБАНД

ИСМИ, ЛАҚАБИ, НИСБАСИ ВА ШАЖАРАСИ

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд Бухорий – ислом оламнинг энг машҳур авлиёларида бири, нақшбандия тариқатининг асосчиси. Халқ орасида “Баҳоуддин”, “Баҳоуддинжон”, “Хожа Баҳоуддин”, “Баҳоуддин Балоғардон”, “Балоғардон”, “Хожаи Бузрук”, “Шоҳи Нақшбанд” номлари билан ҳам улуғланади.

Асл исми — Муҳаммад. Отасининг исми ҳам Муҳаммад бўлган. Баъзи манбаларда бобосининг исми ҳам Муҳаммад экани ҳақида маълумот келтирилади. Ота тарафдан — саййидлар авлодига мансуб бўлган. Шажараси пайғамбар (с.а.в.) авлоди

бўлган Имом Жаъфар Содиққа боғланади. Насоби она тарафдан ҳазрат Абу Бақр Сиддиққа бориб уланади.

Хожалар авлодидан бўлгани учун унинг номи олдида Хожа сўзини ишлатиш расм бўлган. Бухоролик бўлгани учун Бухорий нисбаси, ёшлигини отаси билан бирга кимхобга нақш солиш ҳунари билан шуғуллангани учун Нақшбанд лақаби билан машҳур бўлган. “Баҳоуддин” сўзи “Диннинг нури” деган маънони англатади. Бу — Хожа Нақшбандга кейинчалик берилган фахрли унвон. Манбаларда баъзан “Баҳо ул-Ҳаққи ва-л-миллати ва-д-дин”, яъни “Ҳақ таоло, миллат ва диннинг нури”, деган тўлароқ тарзда ҳам келтирилади.

(Давоми 2-саҳифада).

ТУРИЗМ



ТАСАВВУРДАН ТАШҚАРИДАГИ ТЕЗЛИК

Тўққиз йил олдин республика матбуотида бир хушхабарим чоп қилинган. Ихчамгина хабар оҳангида ҳаяжон жуда устун, шов-шувга ургу берилган, десаям бўлади. Унда “...Испанияда саксон миллион ададли аҳоли яшайди ва бу мамлакатга ҳар йили 85 миллион сайёҳ келади. Хива шаҳри аҳолиси сони 65 минг атрофида. Ўтган йили шаҳарга илк бор аҳолидан кўп – 66 минг нафар сайёҳ ташриф буюрди. Соҳа тадқиқотчилари ҳудудга шу ерда яшайдиган аҳолидан кўп сайёҳ келишини тизимда “инқилоб” дейишади. Демак, қадим ва ҳамиша навқирон Хива ўша инқилоб босқичини бошдан кечираётир”.

Ўтган 2024 йил давомида кўхна шаҳарга келган хорижий ва маҳаллий сайёҳлар сони

3 миллиондан ошгани ҳақидаги маълумотга кўзим тушиб, ҳайратдан ёқамни ушладим: атиги бир болакай эсини танигулик даврда сайёҳлар оқими 50 баробар ошганини бошқача изоҳлаб бўлмайди.

Уч миллион сайёҳни йилнинг ҳар бир кунига тақсимласак, кунига қадим Ичан қалъага ўртача 8,5-9 минг киши ташриф буюргани маълум бўлади. Шунча одамларни ташиш учун қанча улов, овқатланишлари учун қанча ошхона, қаҳвахона, ва албатта, яшаш учун меҳмонхона зарур, деган табиий савол ўртага чиқади. Сафар ёки саёҳатга чиққан одамга уч нарсаси: улов, озиқ ва йўлбошловчи зарур бўлади, деган донишмандлар гапи бор-ку!

(Давоми 2-саҳифада).

КИТОБХОНЛИК ҲАФТАЛИГИ

МАЪРИФАТЛИ МИЛЛАТНИ ЕНГИБ БЎЛМАЙДИ

Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ҳазратлари китоб – беминнат устоз, билим ва маънавий юксалишга эришишнинг энг асосий манбаи деб лутф этган эдилар. Миллатпарвар жадид боболаримиз ҳам бу улуғ ҳикматга таяниб, эл-улусни ҳамиша илму маърифат, мутлоа ва мушоҳадага чорлаб келган. Ана шундай эзгу ишлар бугун ҳам давом этмоқда.

(Давоми 5-саҳифада).

ЖАДИДШУНОСЛИК

“ОЛИСЛАРДАН БИР САДО...”

АҚШнинг Мичиган университети профессори, таниқли адиб ва шоир, жадидшунос олим

Темур ХҲЖАЎҒЛИ билан суҳбат



– Муҳтарам Темур Хўжайўгли жаноблари, истиқлол арафасида Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) аудиториясига Сизни устоз-профессор Беғали Қосимов олиб кирган эди. Ушанда талабалар орасида мен ҳам бор эдим. Шу учрашувни, латофатли нутқини, самимиятни ҳали-ҳануз яхши эслайман. Бузун ҳам худди шундайсиз. Сизни кўпчилик зиёлиларимиз яхши билгани учун мен анъанавий тарздаги таржимаи ҳол билан боғлиқ саволлардан биров чекиниб,

ўша ташриф ва учрашув таассуротларини эслашингизни истар эдим.

– Шундай тасодифлар бўладики, улар инсон ҳаётида бурилиш нуқтасини яратади. 1990 йилда Ўзбекистонга саёҳатим ҳаётимдаги ана шундай энг муҳим бурилиш нуқтаси бўлди, десам янглиш бўлмайди. Бунинг бир неча сабаби бор. Отам Усмонхўжа (1878–1968) 1922 йил охирида 44 ёшида Бухородан, умуман Туркистондан чиқиб кетишга мажбур бўлган эди.

(Давоми 7-саҳифада).



Бошланиши 1-саҳифада.

Муस्ताқилликкача бўлган даврда Хива шаҳрида иккита ва вилоят маркази Урганчда ҳам шунча меҳмонхона бўлиб, бу тўртта меҳмонхона кунига энг кўпи билан тўрт юз эллик кишига хизмат кўрсатиш имконига эга эди. Аксар вақтлари бу меҳмонхоналар ярим бўш ётгани... ўша даврда юртимизда сайёҳлик тизимига эътиборнинг даражаси қандайлигини кўрсатади.

Президентимизнинг туризм соҳасини ривожлантириш, хорижий ва маҳаллий сайёҳларга жаҳоний андозаларда хизмат кўрсатиш тизимини яратиш борасидаги қатор қарорлари ва кўрсатмалари ижроси жуда қисқа муддатда таъминлашнинг, айниқса хусусий меҳмонхоналар қуриш учун ер майдонлари ажратилиб, имтиёзли банк кредитлари берилганида яққол намоён бўлди. Уч йил ичида вилоят маркази ҳамда Хива шаҳрида янгидан янги меҳмонхоналар қад ростлади ва бугунга келиб сони 262 тага етди. Уларнинг аксарияти юқори нуфуз юлдузларига эга.

Сайёҳларга хизмат кўрсатишни жаҳоний андозаларга олиб чиқиш учун Урганч шаҳрида туризм коллежи очилиб, унда юзлаб ёшлар сайёҳлик хизмати бўйича касбларга ўқитилди. Бир вақтнинг ўзига сайёҳлар учун таржимон-гидлар тайёрлаш дастури йўлга қўйилиб, олий таълим муассасаларида хорижий тилларни пухта ўргатишга катта эътибор қаратилди.

Қадим қалъа зиёрати вақтида бир йигит билан тасодиф танишиб қолдим. Унинг вазифаси гидлик экан. Бу касбидан қанча даромад топишини сўрадим. “Ойига ўртача уч минг доллар ишлаб толаман”, деди у бамайлихотир ва яна ҳар кўни эмас, қачонки Испаниядан сайёҳлар келган кунлари ишларкан. Тил билиш – бойлик, деган ибора беҳуда тўқилмаганига шу йигит мисолида иймон келтирдим.

Бундан етти йилча олдин Юртбошимиз воҳада йирик иссиқхоналар қуриш бўйича топшириқ берганлари ортидан қисқа муддатда барча туманларда йирик иссиқхоналар қурилиб, фаолият бошлади. Ҳозирда уларнинг умумийдони салкам минг гектарга етиб қолди. Иссиқхоналар куз оёғи, бутун қиш ва баҳор бошламасида воҳа аҳли дастурхонига бодринг, помидор, турли қўкатлар етказиб беради. Айни шу иссиқхоналар йил давомида узлуксиз маҳсулот етиштириши сайёҳларга хизмат кўрсатадиган овқатланиш шохобчаларини элимизнинг ширдор, тоғли, витаминга бой сабзавот ва қўкатлар билан тўлиқ таъминлайди.

Муқаддам сайёҳлар фақат икки ярим минг йиллик тарихга эга Хива шаҳри – Ичан қалъани томоша қилишган бўлса, бугунга келиб сайёҳлик йўналишлари кескин ошиб, унинг зиёрат, экотуризм, гастрономия ва бошқа турлари меҳмонлар орасида тобора машҳур бўлиб бормоқда. Хива яқинидаги Говукўл яқинида барпо қилинган янги туристик мажмуа – “Арда Хива” бир қараганда афсонавий шаҳарнинг кичик нусхаси

бўлса-да, бу ерга ташриф буюрганлар нафақат бой тарихимизни, балки халқ ҳунармандчилиги, миллий таомлар, амалий санъат, санъат ва маданият йўналишлари ўтмиши ва келажаги тўғрисида бой маълумотларга эга бўладилар.

Сўнгги йилларда воҳадаги энг қадим қалъа – Ҳазораспдаги Сулаймон қалъа ёдгорлиги, Шовотдаги “Улли пир” – юртимиздан етишиб чиққан улуг сўфийларнинг пири бўлмиш Юсуф Ҳамадоний зиёратгоҳи, Қўшқўпирдаги Замахшарий қўнимгоҳи ва бошқа манзиллар сайёҳлар эътиборини тортди, бу ҳудудларда ҳам хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо қилингани туристлар оқими кескин ўсишига замин яратмоқда.

Ички туризмни ривожлантириш бўйича республика Касаба уюшмалари кенгаши томонидан олти йил олдин йўлга қўйилган яхши ташаббусни алоҳида қайд қилиш ўринли. Касаба уюшмалари томонидан ҳар йили воҳага 28 минг нафар ишчи-хизматчилар ташрифи тизимли ташкил қилинган. Урганч шаҳридаги энг йирик “Хоразм палас” меҳмонхонаси жамоаси икки кунлик ташрифлари давомида меҳмонларга юқори даражада хизмат кўрсатишмоқда. Келгусида бу рақамлар янада ўсиши табиий. Негаки, “умрида ўз қишлоғидан ташқарига чиқмаган” айрим фуқароларимиз касаб уюшмалари имтиёзи туфайли бир вақтнинг ўзига қадим шаҳарни кўриш, воҳа тарихи билан яқиндан танишиш имконига эга бўлишяпти.

Жорий йил 9 апрелда ҳудудларнинг туризм салоҳиятини янада ошириш ҳамда хорижий ҳамкорлар билан амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларини жадаллаштириш юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида Президентимиз соҳани ривожлантириш бўйича янги вазифаларни белгилаб берди. Булар орасида туризмнинг саноат, геология, илмий, ҳарбий ва давлат бошқаруви каби янги турларини ташкил қилиш вазифалари қўйилди. Неча минг йиллик тарихга эга қадим воҳада туризмнинг янги турларини ташкил қилиш учун имконлар кенг. Ҳозирда айни шу борада лойиҳалар устида иш бошланган. Ва яна Президентимиз ички туризмни ривожлантириш учун “оила кўни” таълим-асоси амалиётга айлантиришга кўрсатма берди. Бу ҳафтанинг дам олиш кунлари оилаларнинг саёҳатга чиқишларига шароит яратади. Демак, сайёҳлар оқими янада кучаяди.

Йил сайин ошиб бораётган кўноқлар учун арзон ва тезкор транспорт тизимини йўлга қўйиш мақсадида сўнгги йилларда асрларга татигулик ишлар амалга оширилди. Хива шаҳрига темир йўл тармоғи тортилгани ва муҳташам вокзал

ишга туширилгани сайёҳлар оғирини енгил қилибгина қолмасдан, воҳа аҳлининг юртимизнинг бошқа ҳудудларига саёҳат қилишларида енгилликлар яратди.

Бугун Урганч халқаро аэропортига ҳар кўни дунёнинг турли шаҳарларидан ўртача ўн тагача, Тошкент шаҳридан эса олтита мунтазам самолёт қатнови йўлга қўйилган. Ҳар кўни воҳага учта йўловчи поездди келиб-кетилади. Хива шаҳрига тезорар поездлар қатнови йўлга қўйилиши борасида Юртбошимиз ташаббусларидан сўнг ўтган даврда тизим бу янгилликка мослаштирилди – ўтган йил охирида илк тезорар йўловчи поездлар синовдан ўтказилди. Айнан логистика тизимидаги инқилобий янгилликлар юқорида ҳайратланганимиз – кескин ўсиш жараёнига пойдевор бўлди.

Ўтган йилги кўрсаткичлардан ҳайратланганим бир зумда эскирди – тарихга айланди. Бунга сабаб виллоят ҳокимлиги томонидан амалдаги йилнинг уч ойи бўйича тақдим қилинган кўрсаткичлар тўғрисидаги мухтасаргина маълумотдаги рақамлар:

“Сайёҳлик оқими бўйича. 2025 йилнинг 1 апрель ҳолатига виллоятимизга жами **1 011 249** нафар сайёҳ ташриф буюрган бўлиб, шулардан **255 986** нафарини 86 давлатдан келган хорижий сайёҳлар, **755 263** нафарини эса маҳаллий сайёҳлар ташкил қилади. Бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **1,3** баробарга кўпдир”.

Йилнинг уч ойида сайёҳлар сони бир миллиондан ошган экан, йил давомида умумкўрсаткич тўрт миллионлик сарҳадни ортада қолдириш ҳеч шубҳасиз. Бир йилда бир миллионлик ўсиш – бу мисли қўрилмаган рақам. Бу йилга воҳага ерлик аҳолига нисбатан икки қарра кўп сайёҳ келишини ҳам аңлатади.

Юртимизга сайёҳлар оқими кескин ўсаётгани асосини бой тарихимизга бўлган қизиқиш тобора ортиб бораётгани билангина изоҳлаш ноўрин. Аввало, бунга юртимиздаги тинчлик ва оқилолтилик ҳукмрон эканлиги, демократик ислохотлар мўқим тус олгани, кўпгина давлатлар билан визасиз кириб-чиқиш амалиёти йўлга қўйилгани, баррикенг меҳмондўст халқимиз сарҳовати ва яратилган шароитларнинг аъло даражада эканлиги бош асос бўлаётир. Бунини хорижий давлатлар жуғрофияси кўрсатиб турибди. Бугун энг кўп сайёҳлар келаётган мамлакатлар орасида Италия, Испания, Россия, Буюк Британия, Франция, Хитой, Германия, АҚШ, Туркия ҳамда қўшни давлатлар етакчилиги қилишаётгани сўзимизнинг исботи.

Бугун туризм мамлакатимиз иқтисодиётида



етақчи соҳалардан бирига айланиб улгурди. Бунинг исботи – Хоразмга хорижий сайёҳлар ташрифи ортиши туфайли амалдаги йилнинг уч ойида туризм экспорт ҳажми 77 миллион АҚШ долларини ташкил қилган. Шу ўринда сал ўшарсиз бўлса-да қиёслашни маъқул топдик. Виллоятдаги энг йирик ва етакчи туманлар йил давомида ўртача 40-45 миллион АҚШ доллари ҳажмида маҳсулот экспорт қилишади. Бу миқдор валюта эгаси бўлиш учун йил-ўн икки ой меҳнат қилиниши, қанчалаб ишчи кучи ва бошқа сарф-харажатлар кетишини айтинг! Шу маънода туризм энг камхарж ва самарали эканлигини тақдорлашга ҳолат йўқ.

Шу тизимда ишлайдиган танишим сайёҳлар сонини яна бир неча баробар ошириш имкони борлигини айтarkan, қуйдаги таклифни билдирди: “Маълумки, хорижий сайёҳлар юртимизнинг бой тарихини ўзига жамлаган Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларини кўришга ошиқади. Уч шаҳарни бугун темир йўл ва ҳаво йўллари бир қадар боғлаб турибди, аммо бу етарли эмас. Мисол учун, Самарқандни томоша қилган чет эллик сайёҳ Хивага келиши учун тунги соат бирларда “Тошкент–Хива” поездига чиқиш керак. Бу поезд Хивага тушга яқин етиб келади. Сайёҳ ярим тунда уйкудан қолиб, поездга чиқади ва камида ўн икки соат вақтини йўқотади. Ана шу “йўқотишлар”га барҳам бериш учун “Самарқанд–Хива” ва “Бухоро–Хива” йўловчи

поездлари қатновини йўлга қўйиш керак. Яъни Самарқандда кечки овқатни еган сайёҳ 21:00 да поездга ўтирса, тонгда Хивага етиб келади. Бухоро билан оралиқ масофа янада яқин. Сайёҳларнинг қайтиб кетишларини ҳам шундай қулай вақтларга белгилаш керак”.

Туризм соҳасига йилдан йилга эмас, ойдан ойда кўпроқ эътибор қаратилаётган ҳозирги сиёсатимизда дўстимиз таклифлари яқин йилларда амалга ошишига ҳеч шубҳасиз ишонса бўлади.

Физика фанида инсоният тараққиёти мезони сифатида эришган ютуқларни “фазовий тезлик” билан ўлчаш русумга кирган. Илк бора фазога чиққан коинот кемалари Ернинг қаршилиқ кучини енгил учун эришган натижа “биринчи фазовий тезлик” сифатида қабул қилинган бўлса, кейинги босқичларда унинг “иккинчи”, “учинчи” ва “тўртинчи тезлик”лари ҳам эришилди. Бу тезликларни оддий халқ тилида “товушдан тез” деб қўя қолишади.

Ушбуларни қоралар эканман, ёзганларим, айтоққ бўлганларим, яъни товушим пойтахтга етгунича юқорида келтирган айрим рақамлар эскириб қолмасмикан, деган хавотирга бордим. Ахир бугун бу тизим “иккинчи фазовий тезлик”ни ҳам ортада қолдирапти.

Рўзимбой ҲАСАН,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси

Бошланиши 1-саҳифада.

ТАВАЛЛУДИ

У 1318 йилнинг 3 март куни Бухоро виллоятининг Когон туманидаги Қасри Ҳиндувон қишлоғида туғилиб, 1389 йили ҳижрий ҳисобда 73, милодий ҳисобда 71 ёшида шу қишлоқда вафот этган. Қасри Ҳиндувон қишлоғи кейинчалик Баҳоуддин Нақшбанд шарафига Қасри орифон деб атала бошлаган ва ҳозир ҳам шундай ном билан юритилади. “Орифон” сўзи “орифлар”, яъни “сўфийлар”, “тасаввуф аҳллари” деган маънони аңлатади.

ПИРЛАРИ

Баҳоуддин Нақшбанд умри давомида зоҳиран тўрт пирнинг тарбиясини олган. Биринчи пири – Хожа Муҳаммад Бобо Самосий эди. Иккинчи пири – Амир Саййид Кулол. У тариқат бобида биланларини ўргатиб бўлганидан кейин шоғирдига бошқа пирлардан илм ўрганиши учун ижозат беради. Учинчи пири – Қўсам Шайх. Баҳоуддин илм истаб, яссавия тариқати шайхларининг машҳур вакилларидан бўлмиш Қўсам Шайх олди, Нахшаб, яъни ҳозирги Қаршига боради. Уч ой ундан таълим олади. Баҳоуддиннинг бу пирга илхоси баланд бўлган, айна чоғда Қўсам Шайх ҳам уни ўз ўғлидек билиб, муридига чексиз ҳурмати туфайли кейинчалик Бухорога келиб, умрининг охиригача яшаган ва шу ерда вафот этади. Тўртинчи пири – Халил Ота (Султон Халил). Баҳоуддин 1335–1346/47 йиллари, яъни 17–29 ёшлари орасида унинг хизматида бўлади.

Баҳоуддин Нақшбанд – увайсий эди. Манбаларнинг даполат беришича, унга Хожа Абдуллоҳиқ Ғиждувоний (1103–1179)нинг руҳи келиб, тар-

ХОЖА БАҲОУДДИН НАҚШБАНД

бия берган. Вафот этган авлиёнинг руҳи қайси бир муридни тарбияласа, у “увайсий” дейилган.

Алишер Навоий ўзининг “Насойим ул-муҳаббат” асарида Хожа Баҳоуддиннинг пирлари ҳақида сўз очар экан, Муҳаммад Бобо Самосийни “қабул назари” бўйича пир, Амир Кулолни “зоҳир юзидин” пир ва Хожа Абдуллоҳиқ Ғиждувонийни “ҳақиқат юзидин” пир деб ёзади.

СИЛСИЛАСИ

Нақшбандия силсиласи ҳам, яссавия силсиласи ҳам Хожа Юсуф Ҳамадонийга боғланади. Нақшбанд ана шу икки тариқат пирларидан ҳам таълим олгани учун унинг номи икки силсилада ҳам саналаверади. Нақшбандия силсиласи манбаларда “силсилат уз-заҳҳаб”, яъни “олтин силсила” тарзида тилга олинади.

МЕРОСИ

Олимлар форс-тожик тилида битилган “Ал-аврод”, “Далил ул-ошик” деган насрий, “Ҳаётнома” деган назмий асарларни Нақшбандга нисбат беришади. Булардан фақат “Ал-аврод”нинг бир қисминга фалсафа фанлари доктори, профессор Гулчехра Наврўзова томонидан ўзбек тилига ўтирилган. Унинг форс-тожик тилида битилган кўп рубойиси турли китоб кўлбэмалари таркибиде бизгача етиб келган. Шулардан бештаси жуда машҳур бўлган. Нақшбандий дарвешлар ҳар намоз охирида шу беш рубойидан биттасини ўқисни

тариқат аҳлининг хос анъанасига айлантирилган эди.

СЎНГИ ЛАҲЗАДА ЎҚИЛГАН БАЙТ

“Насойим ул-муҳаббат”да Нақшбанд тилидан ҳикоя қилинган қизиқ бир нуқта бор:

“Шайх Абу Саид Абулхайр (у *Х асрда яшаган – С.О.*)дан муридлари: “Сизнинг жанозангиз олдида қайси оятни ўқисинлар?” деб сўрашибди. Шунда бу зот дебдики: “Оят ўқимоқ – улуг иш. Мана бу байтни ўқисинлар: *Чист аз ин хўбтар дар ҳама* *офоқ қор,*

Дўст расад назди дўст,
ёр – ба наздики ёр?

(Бутун оламда дўстнинг дўста, ёрнинг ёрга етишидан афзал яна нима бор?)”.

Шундан кейин Ҳазрат Нақшбанд муридларига шундай васият қилибди: “Менинг жанозам олдида мана бу байтни ўқинлар:

Муфлисонеи омада дар қўли ту,
Лавҳашаллох, аз ҷамоли рўйи ту.
(Сенинг қўйингда жамолингдан бенасиб этмаслигини тилловчи ғадолармиз?)”.

НАҚШБАНД НАЗДИДА ҚАРОМАТ

Худо авлиёлари қароматлар билан сийлайди. Нақшбанд ҳам бундан мустасно эмас эди. Фахриддин Али Сафийнинг “Рашахот айн ал-ҳаёт” асарида ёзилишича, Баҳоуддин эндигина тўрт ёшга тўлган пайти онасига: “*Сизгиримиз пешонасида Ҳилол (Янги ой) шаклидаги белги билан бузоқ туғайди*”, дебди. Бир неча ойдан сўнг, башорат қилингандек, пешонасида Ҳилол шакли бор бузоқ туғилибди.

Аслини олганда, Баҳоуддинга ундан икки аср илгари яшаб ўтган Хожа Абдуллоҳиқ Ғиждувонийнинг руҳлари тарбия бергани ҳам бир қаромат.

Ҳамма замонларда ҳам оддий одамлар авлиёларнинг қаромати-



га қизиқаверади. Навоий “Насойим ул-муҳаббат” таъкирасида ёзишича, ўз даврида кишилар Нақшбанддан ҳам қаромат талаб қилишибди. Шунда буюк зот уларга қарата: “*Бизнинг қароматимиз кўрииб турибди-ку! Ахир шунча ғуноҳимиз билан Ер юзиде тирик юрганимизиниғе ўзи бир қаромат эмасми?!*” деган экан.

ЎРИНБОСАРЛАРИ

Ҳар бир етук шайх ўзига халифа, яъни ўринбосар тайёрлаши қатъий анъанага айланган эди. Баҳоуддин Нақшбанднинг муридлари жуда кўп бўлган, албатта. Аммо улар орасидан тўрт халифа қолдирган: Алоуддин Атор (вафоти – 1400); Муҳаммад Порсо (1348–1420); Ёқуб Чархий (вафоти – 1447); Алоуддин Ғиждувоний (вафоти – 1448).

Баҳоуддин Нақшбанд вафотидан кейин Алоуддин Атор маънавий иршод бошлаб, шухрат қозонган. Тариқатда асосий оқимларга бўлиниш Атордан кейин содир бўлган. Алоуддин Атор билан бошланган алоия тариқати унинг вафотидан кейин ўғли Ҳасан Атор ва шоғирди Низомиддин Хомуш билан икки алоҳида йўл бўйича давом этган. Баҳоуддин Нақшбанддан ижозат олган Муҳаммад Порсо, Ёқуб

Чархий ва Алоуддин Ғиждувоний турли жойларда ирфоний-тасаввуфий тарбия билан шугулланишган.

Булардан Алоуддин Ғиждувоний ва Муҳаммад Порсо билан бошланган оқимлар унчалик оммалашмаган. Тариқат, асосан, Аторнинг халифалари ва Ёқуб Чархий билан давом этган. Манбаларда қайд этилишича, Ёқуб Чархий Нақшбанддан тарбия олиш билан бирга, узок йиллар Алоуддин Аторнинг суҳбатида ҳам бўлган. Шунинг учун кейинроқ ёзилган асарларда унинг Аторга ҳам халифа экани ва тасаввуфий таълими унинг раҳнамолигида тамомлагани ҳақидаги қарашлар ҳам учрайди.

Баҳоуддин Нақшбанднинг халифалари орасида, тариқатнинг амалий жиҳатдан ривожига кўп ҳам ҳисса қўшмаган бўлса-да, бироқ ёзган асарлари сабаб тасаввуф, айниқса, нақшбандийлик тариқати ривожига назарий жиҳатдан катта ҳисса қўшган шахс – Хожа Муҳаммад Порсо алоҳида ажралиб туради.

ВАФОТИ

Нақшбанд иккинчи бор ҳаж зиёратидан қайтганидан кейин бетобланади. Хасталик авж олган, у киши бир қарвонсаройга бориб, унинг кичик

бир хонасини макон тутайди. Ёнида фақат айрим муридларигина бор эди. Қишлоққа нисбатан холироқ бўлгани учун бу ерни афзал қўлган бўлиши мумкин. Муридларни эса Нақшбанд ўзидан кейин иршод ижозатини кимга бериши қизиқтирар эди, албатта. Вазиятни тушунган пир ижозат бериш иши унинг ихтиёрида эмаслигини айтиди. Вафоти яқинлигини билган, муридларига ўзидан кейин маънавий ўринбосар сифатида Хожа Муҳаммад Порсонини қолдиришини таъкидлайди. Бошқа бир ривоятга кўра: “Бу масаладаги сўзимиз – Макка йўлида айтганимиз. Агар ким бизни орзу қилса, Хожа Муҳаммад Порсога қарасин”, дейди.

Нақшбанд ўлими олдида узундан-узун дуо қилади. Алоуддин Атор эса пирининг бош тарафига Қуръонни Каримнинг “Ёсин” сураси қироати билан банд эди. Сура ярмига етганда пири қомил бу дундан кўз юмди. Бу милодий 1389 йилнинг 1 марти – душанба кечаси эди.

МАҚБАРАСИ

Замонлар ўтиши билан унинг қабри атрофида масжид, минора, мадраса, хонақоҳ, мусофирхона, дарвоза каби иморатлар қурилиб, натижада бу ер катта бир мажмуа ҳолига келган. XVI асрда Тоқи Миёна, Диловар ва Салом дарвозалари бунёд этилган. Тоқи Миёнадан Салом дарвозасигача бўлган ҳудудда “Даҳмаий Шоҳон” (“Шоҳлар хилхонаси”) ўрин олган. Унда Абдулазизхон (1540–1549), Абдуллоҳхон (1583–1598), Имомқулихон (1611–1642), Субхонқулихон (1682–1702) ва Нодир Девонбеги (XVII аср) каби Бухоро ҳукмдорлари ва юқори мансаб эгаларининг оилавий даҳмалари мавжуд. Мажмуадан, шунингдек, шайбонийлардан Абдулазизхон 1544–1545 йили қурдирган хонақоҳ, Амир Музаффархон ва Абдулҳаким Қўшбеги томонидан бино қилинган масжидлар, қорихона, мусофирхона, мадраса каби тарихий-меъморий обидалар ўрин олган.

Султонмурод ОЛИМ,
“Нақшбандия” журнали
бош муҳаррири



“Адаб – ҳулқни чиройли қилиш, сўзни ва феълни саз қилишдир.

Баҳоуддин НАҚШБАНД



ИЛМ ЙЎЛИ



ЕМАКНИ ЎЙЛАСАНГ, ТУПРОҚНИ БОҚ

НАНОБИОМАТЕРИАЛ НИМА?

Янги аср инсониятни қутилган ва қутилмаган синовлар билан қаршилади. Қутилгани нимаю, қутилмагани нима? Иқлим ўзгариши, музликлар эриши, сайёраимиз ҳароратининг аномал ўзгариши, шу билан бирга озиқ-овқат хавфсизлиги ва танқислигининг кун тартибидан мустаҳкам жой олиши, қурғоқчилик каби табиий кўргиликларнинг юзага келиши аввалдан қутилган долзарб муаммолар эди. Бироқ бу жараёнларнинг шахд олиши қутилмаган(да) бўлди.

БМТ маълумотларига кўра, ҳар йили дунё 4,7 миллион гектар ўрмонни йўқотмоқда, 12 миллиондан ортиқ экин ерлари эса жиддий деградацияга учраяпти. Бу муаммолар Ўзбекистонга ҳам бегона эмас.

Биз олим сифатида 2000-йиллар бошларидаёқ мазкур хавф-хатарлар жамиятимиз учун долзарб бўлишини англаганимиз учун илмий тадқиқотларимизни асосан шундай муаммолар ечимига бағишлаб келмоқдамиз. Ўзбекистондаги деярли барча илмий-тадқиқот институтларида бу борада изланишлар олиб борилапти.

Ҳозирда мен микробиология, микроб асосидаги биотехнологиялар, нанотехнологиялар ва агротехнологиялар соҳасидаги илмий лойиҳаларни бошқариб келялман. Аспирантурада ўқиган вақтларимда микробиология соҳаси билан шугулланганман. Хусусан, фойдали бактерияларни ажратиш, уларни қишлоқ хўжалигида қўллаш истиқболларини тадқиқ этганман. 2012–2018 йилларда Хитой Фанлар академиясида микроб биотехнологиялари ва нанобиотехнологиялар бўйича изланишлар олиб бордим. Ўзбекистонга қайтгач, олинган илмий натижаларни амалиётга жорий қилишга, яъни қишлоқ хўжалигида органик турдаги маҳсулотларни етиштиришга киришдик.

Асосий эътиборимиз нанобиоматериаллар олиш, уларни физик ва кимёвий жиҳатдан таснифлаш ҳамда тиббиёт ва қишлоқ хўжалигида қўллаш масалаларига қаратилган. Биоматериалларнинг ўзига хос, ажойиб хусусиятлари бор. Қишлоқ хўжалигида ҳаддан ташқари кўп ишлатилаётган, турли касалликларга, айниқса, хавфли ўсмалар, қон бузилиши, инсон хромосомаси ва ирсияти мутациясига сабаб бўладиган захарли моддалар ўрнига наномаҳсулотларни қўллаш мумкин. Биз шу мақсадда хавфсиз, самарали ва иқтисодий жиҳатдан арзон наномаҳсулотлар концепциясини илгари сурмоқдамиз.

Аслида, ота-боболаримиз ўтмишда ўзлари билан-билмай наноматериаллар ва нанозарралардан фойдаланиб келганлар. Масалан, одамлар қумуш тақинчоқлар солинган гиёҳли дамламаларни ичишган, чақалоқларни шу сувда ювинтиришган, шунингдек, уни турли яра-чақаларни даволашда қўллаган. Бу амалиётлар қумуш нанозарралари ҳосил бўлишининг табиий жараёнига асосланган. Қумуш буюмлар сувда ўзгача зарядланган зарраларни ажратган ва гиёҳлардаги кимёвий моддалар таъсирида нанозарралар шаклига ўтган. Қадимги юнон, хинд тиббиётида ҳамда туркий халқлар аънанасида қумушли сувдан фойдаланиш кенг тарқалган. Биз бу тажрибаларни илмий асосда ўрганиб, уларни қишлоқ хўжалигига татбиқ қилишга киришдик.

НАНОЗАРРАЛАРНИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ҚАНДАЙ ҚЎЛЛАШ МУМКИН?

Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалиги соҳасида вирусли, бактерияли ва замбуруғли касалликлар кўпайган. Ёўза эндигона чинбарг чиқараётганда қуриб қолади. Бу фанда фузариоз қуриш дейилади. Ўсимликнинг илдизи чирийди; буғдойга сариқ занг тушади, иссиқхона экинлари ҳам турли касалликлардан азият чекапти... Хуллас, санасак бундай муаммоларнинг адоғи йўқ. Чунки вақтида уларга қарши курашишда катта хатога йўл қўйилди: биологик усулда эмас, кимёвий воситалар – агрозаҳарлар билан йўқотиш мақсад қилинди. Орадан йиллар ўтди, муаммолар ҳал бўлдими? Ақсинча, янги муаммолар яралди. Биз

ўз қўлимиз билан ўсимлик “ўлати ва вабоси”нинг янги-янги авлодларини дунёга келтирдик. Негаки, вирус ва бактериялар кимёвий моддаларга мослашиб бориш қобилиятига эга. Энди эски воситалар фойда бермаяпти. Шу боис, бундай “ўлат ва вабо”ни нанозарралар билан чеклаш – муҳим ва истиқболли усулдир. Бу усулни аниқ меъёрларда ўрганиб, жорий этиш лозим.

“БИОАЗОТ” БИОПРЕПАРАТИНИНГ ЎЗИ НИМА?

Илмни хослар учун дейиш мумкин. Унинг мураккаблигини бор бўйича тушунгани учун ҳам олим олим-да. Бироқ олимнинг вазифаси фақат илм қилиш эмас, балки ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга ҳисса қўшишда ҳам кўринади. Масалан, бизнинг лабораториядаги йўналишлардан бири – қишлоқ хўжалигида минерал ўғитлар сарфини камайтириш, хатто улардан воз кечиб, янги турдаги биологик ўғитларни жорий қилишдан иборат. Шу мақсадда биз “Биоазот” биопрепаратини таклиф қилдик. Бу препарат жорий йилда ҳам синовдан муваффақиятли ўтди ва минерал азот ўрнини тўлиқ босди. У тупроқда кўпайиб, ўсимликка биологик ҳолдаги азотни етказиб беради.

Хўш, “Биоазот” биопрепаратининг ўзи нима? Унинг асосини тирик хўжайра – ҳаво азотини ўзлаштирувчи *Azotobacter chroococcum* бактерияси ва ўсимлик учун фойдали табиий бирикмалари – полисахаридлар, витаминлар, аминокислоталар ташкил этади. Бактерия ўсимлик илдизиде кўпайиб, ҳаводаги 78 фоиз азотни ўзлаштириб, биологик азот – оксил, полипептид, аминокислота кўринишида ўзлаштириладиган моддага айлантиради. Содда қилиб айтганда, ҳаводаги азот билан деҳқончилик қилиш имкони яратилади. Бу азот тирик модда бўлиб, ўсимлик ҳам тирик организм сифатида ундан кўпроқ фойда кўради.

Бир нарсани алоҳида таъкидлаш лозим, ҳозирги қишлоқ хўжалигида минерал ўғитлардан самарали фойдаланишнинг аниқ тизими йўқ. 100 килограмм минерал азот тупроққа берилгач, унинг тенг ярми ҳавога учиб кетади. Фақат 15 фоизнигина ўсимлик ўзлаштиради. Бу эса улкан исроф демакдир. Шу боис ҳам ушбу муаммога барҳам бериш учун биопрепаратлар жорий этилмоқда.

Яна савол туғилади: биологик ўғитлар нега керак? Минерал ўғитлар етарли эмасми? Албатта, минерал ўғитлар бор, лекин улар йиллар давомида атроф-муҳитни ифослантирмоқда, суғоришга сув ҳам тортилиб бормоқда. Минерал ўғит сувда эримас экан, ўсимликка сингмишайди. Илгарилари ёўза тўрт-беш мартабала суғориларди, ҳозир айрим вилоятларда бир-икки марта сув ичади, вассалом. Демак, ёўза бутун умри давомида фақат бир-икки бор озиқланмоқда. Ҳосилдорлик ва даромад шунга яраша тушиб кетаяпти. Нима қилиш керак? Янги, самарали ва арзон усулларга ўтиш даркор. Бу – замон тақозоси. Қисқаси, емакни ўйласанг, аввало, тупроқни боқибки керак. Бу талабга мослашмасак, қишлоқ хўжалиги самарасиз, фақат харажатли соҳага айланади. Шу боис биологик ўғитлар бугун жуда муҳим.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги экинларини касалликлардан ҳимоя қилиш учун ишлатилаётган заҳарларнинг ҳам миқдори, ҳам салбий таъсири биологик воситалар билан камайтириш мумкин. Менимча, болаларда кўпайиб бораётган оғир касалликлар сабаби ҳам айнан ана шу заҳарлар билан боғлиқ.

Хуллас, ҳозирги аҳволимиз ҳақида яхлит тасаввур ҳосил бўлди деб ўйлайман. Биз танқидий фикрлашимиз, ўз ишимизга баҳо беришни ўрганишимиз ва зарур ислохотларни амалга оширишимиз керак. Ақс ҳолда, келажакда ишлаб чиқарувчи эмас, сотиб олувчига айланамиз. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун эса, албатта, фаол ишлаб чиқарувчига айланишимиз лозим.

Бахтиёр РАСУЛОВ,
биология фанлари доктори

ГРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

ҚАПЧИҒАЙЛИК ҚАРЧИҒАЙ



Чимён билан Полосоннинг нақ ўртасида, магистраль йўл ёқасида, қирлар орасида Қапчиғай отлиғ қишлоқ бор. Номининг ўзидан ўтмиш нафасини сезгандирсиз. Манбаларда келишича, бу сўзнинг туб илдизи мўғулча бўлиб, “дара”, “ўтиш қийин бўлган жой” каби маъноларни англатади. Ўшандаям бизникилар икки томонда туриб, босқинчиларнинг роса таъзирини берган кўринади.

Аҳоли уйларига ёндош бу тепаликлар яқин-яқингача қуёшда қуйиб, жизғанаги чиқиб ётарди. Қишлоқ хўжалигида рўй бераётган туб ислохотлар самараси ўлароқ бу йидоқларда уч-тўрт йил ичида юзлаб гектар тоқзорлар пайдо бўлди.

Ҳаммининг нимагадир ишқибозлиги, қаттиқ берилган бир ҳунари бўлади-ку, десангиз, боғбоннинг ҳам ашаддий бўларкан. Абдувоҳид Маматқулов – ана шундай юрагида ўти борлардан, “Ислом” фермер хўжалиги раҳбари. Уч гектар узумзорни парвариш қилади. Абдувоҳид ақани яхши маънода ўқимаган олим десак бўлади. Боғдорчилик илмидан бохабар, соҳа янгиликларидан, дунёдан воқиф одам. Ҳовлисиде қўлбола лаборатория ҳам бор. Доим изланишда, янги навлар дарагини эшитса, дунёнинг у бурчагидан бўлса ҳам, Қапчиғайга олиб келмагунча кўнгли жойига тушмайди. Ўзимизнинг иқлимда синаб кўради, табиатини ўрганади, тажриба қилади. Ўхшаса, қўшни боғбонларга илминади.

– Абдувоҳид ака, гап-сўзингиз бамаъни, олим одамга ўхшайсиз. Илмий даражанигиз ҳам борми? – деб қизикаман.

– Илмий даража... Ўттиз йилдан бериси ер ичидаман, – деб вазмин гап бошлайди меъзон. – Ўзим деҳқоннинг боласи, диплом берадиган ўқишларга ҳафсала қилмадим. Ерга меҳр бердим, Худо ризқ-рўзимни ердан ундириб берди. Иш фаолиятини кичкина боғдан бошлаган бўлсам, тинмай изландим, билмаганимни устозлардан сўраб ўргандим. Умримни шу соҳага бағишладим. Биласиз, Олтиариқда мева-чева мўл. Айниқса, узум. Асосий даромадимиз экспортдан. 2018 йил биз ҳам дунёнинг қўйнига қўл солиб кўрдик. Дубайга “Ризамат ота”дан бир қўти намуна жўнатдик. Лекин шартномага бозорбошичи унамапти. Нимага десам, бир донасини кесиб кўриб, “Уруғи бор экан, ҳозир уруғсиз узумга талаб юқори”, деганмиш (уйга чўмади боғбон акамиз).

Қадрли газетхон, боғбон акамиз ўйини ўйлаб турсин, орада мен ҳам сизга айтарларимни шипшитиб ўтай. Жадидлик ҳаракатининг илк кўртаклари Қримда потраб очилган бўлса, озодлик эпкинни унинг ифориони Туркистонга келтирдик. Маърифатпарвар боболаримиз боларидек елиб-югуриб нектар тўплади, ҳаракат ёйилиб гуркиради. Абдувоҳид ақани ҳам янгиликка илҳомлантирган инсон ўша Қримдан Рустам исмли олим йигит экан. Тарихдан биласиз, қаттол тузум жаллодлари қардош қрим-тарларни уч кеча-кундуз ичида ёлпасига ўз ватанларидан сургун қилади. Рустамнинг оиласи ҳам ўша талотумларда биз томонларга келиб қолган. Асли Андижонда туғилган Рустам ўн тўрт ёшида “аждодлар чорлови”га жавобан оиласи билан ота юртига қайтиб кетади. Лекин Ўзбекистондан, эту тирноқ бўлиб кетган жигарларидан қандай узилсин?!

Қисқаси, Абдувоҳид ака шу олим дўстидан улғи олди, Европа, Америка тажрибасини ўрганди. Шундайми, Абдувоҳид ака?

– Шундай. Биринчи муваффақиятсиз уринишдан кейин ўзимча хулоса қилдим: “Ҳа, демак, дунё бозори уруғсиз узумга ўтибди”. Ён-веримга қарасам,



ҳамма ёқ бир хил, янгилик йўқ. Жаҳонга бўйлашмасак бўлмайди, дедим. Жаҳон бозориде талабгир навларни етиштириб, ўзимизда қўпайтиришни мақсад қилдим. Биринчи ўринда негизга эътибор қаратдик. Пойдевор мустаҳкам бўлса, деворинг кулаб тушмайди. Қримдан икки юз дон пайвандтаг олиб келдик. Пайвандтаг дегани бу ҳосил олишга мўлжалланган нав уланадиган илдизли кўчат. Билсангиз, Европа давлатларининг тўқсон фоизи шу усулдан фойдаланади. Пайвандтагнинг дунёда юздан ортиқ тури бор. Бизда ўттиз хили оммалашган. Бугун энг аълоси мана шу Америка пайвандтаги – Kober 5ВВ бўлиб турибди. Унга уланган токнинг ҳосилдорлиги бизникидан 20-30 фоиз ортиқ. Европада бир гектар узум боғидан 90 тонна ҳосил олишар экан. Тасаввурга сиғдириш қийин, тўғрими? Бизда 50 тонна узум солган боғлар “чарчаб” қолади. Тагига минг ишлов беринг, ўғит солинг – кўтаролмайди. Мана шунинг учун пайвандтаг танлашда гап кўп. Ўзимизда “Сўғдиёна” деган гигант узум бор. Уруғи бўлмайди. Биринчи шундан экдим. Ўзбекистонда энг ётдор майиз шу узумдан чиқади. Уруғсиз навларнинг яна бир яхши тарафи – мабодо бозорда кетмай қолса, майиз қилиб сотсангиз бўлади. Шу-шу, изланиб-изланиб, янги навларни ўзимизнинг шароитда синаб кўра бошладик. Америка, Франция, Жанубий Корея, Япония, Ҳиндистондан қаламча буюртма қилиб келтирдик, турли навлардан бир гектар ерга пайванд қилдик. Ҳозир боғимизда узумнинг саксондан ортиқ хили мавжуд. Ҳосилга кирганига икки йил бўлди. Есангиз қароқллаб, мазаси оғизда қолади. Ҳар бирининг ўзига хос таъми бор, димоғингизга ширин ҳид урилади. Бир хилидан гул, бошқасидан райхон иси келади. Ҳатто олма, банан таъминин берадиганлари бор.

Боғбон бизга меҳнатлари самарини кўрсатгиси, батафсил тушунтиргиси келади, айтадиган гапи қўплигидан қай бирини олдин, қайсини кейин айтишга шошиб, тўтилиб-тўтилиб қолади. Қилаётган ишидан завқ-шавқ туйган инсонларда шундай бўлади. Унинг ҳаяжони бизга ҳам юқиб, ичимиз қизийди. Меъзонга эргашиб, секин уйга ичкарилаймиз.

– Бу хона менинг лабораториям. Қаранг, бу қутилар кичкина кўрингани билан ҳозир ичида икки ярим мингта нишона бор. Бу – икки ярим гектар боғ дегани. Кўчатлар кузга тайёр бўлади, кейинчалик ўзидан қаламча қўпайтириб, сўраганларга текинга таркатамиз. Чунки ҳосилни қанча қўпайтирсак, экспорт ҳажми шунча ошади. Чет элнинг катта фирмалари катта охурда ем ёйди. Дейлик, менда бир тонна узум бор, лекин яқка ўзим катта бозорга киролмайман. Денгизга қайқда чиқилмайди. Юз тонна етказиб бераман десангиз, зумда шартнома таклиф қилади. Юз тонна ҳазил гап эмас, аммо боғбонлар бирлашиб эвини қилсак бўлади. Энди янгиликлардан гапирсам, Ҳиндистонда Вижай Шанкар Деси исмли селекционер ошнам бор. Шанкарларнинг яхшииси (қулиб). Шу одам уни бунга чатиштириб, дунёга машҳур янги нав яратди. “VCD” деб ўз исмининг бош ҳарфларидан от қўйган. Узумнинг донаси ўртча “Шудринг” бодрингидай, уруғи йўқ. Унинг олдида “келинбармоғимиз” ҳам калталиқ қилиб қолади. Яқинда шу навадан ҳам келтирдим. Манави қаламчалар бизга сувқоғозда ўралган ҳолда келади, – дейди Абдувоҳид ака соҳибкор боғбонларга хос меҳр билан ниш отган кўчатларга суқланиб. – Ерга ўтказгунча тайёрлов босқичларидан ўтади. Ҳозир тиним даврида, бизда ҳарорат иссиқ, шунинг учун музлаткичга қўйдик. Ҳароратни аста-секин пасайтириб, охири минус бир, иккига туширамиз. Чунки қиров кўрган қалтакларнинг жони қаттиқ бўлади, касалга чалинавермайди. Шу тартибда қаламчалар 15–20 кун уйқуга кетади. Кейин қутидан чиқариб, икки-уч кун уй ҳавосига ўргатамиз. Орада қуёшга олиб чиқиб, қайта киритиб турамиз. Бир ҳафтадан сўнг иссиқхонага ўтказамиз. Бизда пайванд мавсуми бошланмади-ку, ана ўша пайтга роса тайёр бўлади.

Яна японларнинг “Ruby Roman” узумидан бор. Мана бу қаламча ўшандан.

Ранги қизил, думалоқ, донаси ёнғоқдек келади. Ҳозир дунёдаги энг қиммат узум шу. Бозорда ҳайратланарли нарҳда сотилади. 2020 йил Япониядаги кимошди савдосида бир боши 11 минг долларга сотилган! Сабаби тенгсиз сифат ва кам-ёблигидан.

“Shine Muscat” нави ҳам Япониянинг илмий-тадқиқот институти маҳсулотиди. Донаси йирик-йирик, биттиси 13 граммча тош босади. Европа бозорларида нархи 60 евродан бошланади. Билсангиз, бизнинг аксар узумлар пўсти юпқа бўлганидан ёмғир, дўл урганда ёрилади, катта музлаткич камераларида ҳам узоқ муддат сақлаб бўлмайди. А, бу узумдан уч-тўрт бошни тажриба учун тоқда қолдирдим. Охириги ёмғир-



ларда ҳам бандида турган эди. Қани, нима бўларкин, деб кузатдим. Бир донаси ҳам ёрилмади. Янги навларнинг афзаллиги шунда. Ҳали сотиш учун озлик қилади, бир бош, икки бош қилиб совғага бериб турибмиз. Яна шу “шайн мускат”нинг Хитойдан келган қўк нави ҳам бор. Кўриниши зўр-у, есангиз маза-матра йўқ. Узум дегани чиройига яраша тотли бўлса-да. Қўпчиликка манфаатли бўлади, деб яхши ниятда “Аватар узумчили” деган телеграм гуруҳи очгандим. Яхши юриб кетди. Ҳозир обуначилар сони икки юз мингга етиб қолди. Вилоятлардан тортиб Қорақалпоқдан, Тожикистон, Қирғизистон, Қрим томонлардан дўстларимиз кўшилган. Улар ичида ишга энди киришган боғбондан тажрибали мутахассисларгача бор. Кимнинг нима саволи бўлса, кириб бемалол сўрайди, тажрибамиздан келиб чиқиб маслаҳат берамиз. Шу тарзда узоқ-яқиндаги деҳқон, боғбонлар доимий мулоқотда бўламиз, фикр алмашамиз. Зироат ҳам тирик жон. Қўққис совуқ тушиб қолиши, касаллик тарқалиши мумкин. Дарров бир-биримизни шу ерда огоҳлантириб, чора-тадбирини кўрамыз. Ҳаммага манфаатли. Хуллас, шунақа, тиришиб ётибмиз-да, ака...

Қадрли газетхон, қишлоқ одамнинг ерга муносабатини кўриб қойил қолмай илҳомингиз йўқ. Чақалоқ атак-чечак қилиб оёқга тургунча қанча меҳр, эътибор кўрсатилса, бир ниҳол бўй қўзиб, қаддини ростлаши учун ҳам шунча парвариш керак. Унгача деҳқоннинг ҳаловати, боғбоннинг ороми бўлмайди.

Гап қўп-у, кўмир оз. Водий халқи одамохун, меҳмондўст эмасми, қарасак, боғбон акамиз гапни секин айлантириб, бизни олиб қоладиёпти – Риштон ошининг таърифида ўтати. Ҳали қила-жақ ишларни важ қилиб, қаҳрамонимиз билан қўлни маҳкам сиқиб ҳайрлашдик.

Тараққиёт ҳеч бир соҳани четлаб ўтмади. Ҳамма замонларда янгиликни кимдир бошлаб беради, синовдан ўтган тажриба оммалашиб, соҳа янада ривожланади.

Абдувоҳид Маматқуловнинг ҳам изланишлари ўз самарасини бериб, эзгу ниятлари рўёбга чиқсин! Ҳали бу кўчатлар қуяга тўлиб, ларзон-ларзон боғлар бўлажак! Биринчи навбатда Ўзбекистоннинг экспорт салоҳияти ортади, жаҳон айвонида юртимиз нуфузини кўтарди. Эртага расталарда товланиб турган узумдан татиб кўрган арабу ажам, ҳинду хитой, олмону фаранг “Бу ажойиб таъмили узумлар қаердан?” деб сўрайди. Ўшанда бизникилар қадоқни буриб, “ўзингиз ўқиб олинг” дегандек катта ҳарфларда битилган ёзувни кўрсатади: “Made in Uzbekistan!”

Жамолиддин БАДАЛ



УЙҒОҚ ХОТИРА

ЎЗБЕК ЗАРГАРИНИНГ ОЛТИН ОВОЗИ

Президентимизнинг “Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров таваллудининг 85 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорини эстрада кўшиқ санъати мухлислари чексиз қувонч ва севинч ёшлари билан кутиб олгани ёдимизда. Чунки ушбу ҳужжат санъатимиз ва маданиятимиз оламида тарихий ҳодиса бўлди.

Ҳамон эсимда, Ботир Зокиров ҳаётлик пайтида 50 йиллик юбилейини ўтказиш арафасида “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасига мақола тайёрлаш учун у киши билан суҳбатлашган эдим. Улуғ санъаткор билан ҳар галги учрашув мен учун бетакрор байрам эди.

— Худо хоҳласа, юбилейни республика “Киночилар уйи”да ўтказмоқчиман. Фойеда чизган картиналарим кўргазмаси бўлади. Кўшиқлар катта залда ижро этилади. Иложи борича мақтов сўзлар бўлмайди. Одамлар гапдан безор бўлган. Мақтовдан нари юрган яхши. Бу мухлисларим олдида ўзига хос ижодий сарҳисоб бўлади. Ҳаммаси эркин тарзда ўтказилади, — деб ният қилган эди ўшанда Ботир Зокиров.

Афсус-надоматлар бўлсинки, у кишининг бу ёруғ ва эзгу ниятлари, ажойиб орзулари амалга ошмади. Буюк санъаткор оғир касаллик туфайли 1985 йил 23 январь куни 49 ёшида вафот этди. Юбилей ўтказилмай, армон бўлиб қолиб кетди. Сўнг бизга номаълум сабабларга кўра турли баҳоналар, кераксиз гап-сўзлар билан санъаткорнинг 60, 70 ва 80 йиллик таваллуд кунлари нишонланмади.

Қарор эълон қилинган куни Ботир Зокировнинг укаси, Ўзбекистон халқ артисти Фаррух Зокиров билан Ўзбекистон давлат консерваториясида учрашиб қолдик. Биз юракларимизга байрам олиб кирган бу хушхабарни эшитиб, бир-биримизни кучоқлаб, йиғлаб юбордик. Бу ҳақиқат жамол кўрсатган лаҳзаларда пайдо бўлган соғинч ва қувонч ёшлари эди.



— Аллоҳга шукур, Президентимиз шарофати билан Зокировлар сулоласининг кўп йиллик орзуси ушалди, — деди Фаррух ака ҳаяжон билан кўзёшларини артаркан...

Биз юқорида қабул қилинган қарорнинг завқу шавқидан ўзимизга келмай туриб, Президентимизнинг ибратли ташаббуси билан “Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузурида Ботир Зокиров номидаги миллий эстрада санъати институтини ташкил қилиш тўғрисида”ги қарори ҳам эълон қилинди.

Яна бир қувончли ҳодиса: Ботир Зокировнинг 85 йиллиги кенг нишонланган кунларда пойтахтнинг муҳташам майдонида улуғ санъаткорнинг маҳобатли ҳайкали очилди.

Бир сўз билан айтганда, биздан анча узоқлаштирилган Ботир Зокировнинг муборак номи ва бетакрор ижод мактаби қарор туфайли

ли тўла-тўқис ўзимизга қайтди. Ботир Зокиров қайтадан дунёга келди, қайтадан туғилди.

Ботир Зокиров кундалигининг 1952 йил 20 августда ёзган илк саҳифасини шундай сўзлар билан бошлайди: “Мен ўз кундалигимни ажойиб ёшлигимнинг энг бахтиёр кунларидан — болалигимнинг илк орзулари рўёбга чиққан кунидан бошлагим келади...”

Уша кун мен Тошкент давлат консерваторияси вокал факультети тайёрлов бўлимига муваффақиятли имтиҳон топширдим. Ўша дақиқаларда менинг саҳнада туриб ҳассос ва талабчан тингловчилар қаршида кечирган чексиз ҳаяжонларим, изтиробларим қуйлаш биланок тумандай тарқаб кетди.

Имтиҳонлардан сўнг ўқишга қабул қилин-

ган “аълочи”лар қаторида менинг ҳам фамилиямни айтишганида дастлабки ҳаяжонларим бамисли қувончга айланди. Ўша кундан бошлаб мен мусиқа эҳроми — консерватория талабаси бўлдим, ўша кундан бошлаб севимли машғулотиمنىнг сарҳадсиз уммонига шўнғидим...”

— Ботир доимо ишлашни, тинимсиз ижод қилишни ва тўхтовсиз изланишни яхши кўрарди, — деб хотирлаган эди таниқли композитор Эшмарк Солиҳов. — У меҳнат қилган сари роҳатланарди, илҳомланарди. Бирор бошлаган ишини поёнига етказмагунча тинмасди. Қисқа вақт ичида ўзи ташкил қилган миллий оркестр шуҳратини собиқ Иттифоққа олиб чиқди. Москва, Санкт-Петербург шаҳарларига устма-уст гастролларга борди. Нур бор жойда соя бўлганидек, ўзимизда оркестрни кўролмайдиган ғаюрлар пайдо бўлди. Улар турли баҳоналар билан оркестр фаолиятини ерга уришга кўп бор уриндилар. Буларнинг ҳаммаси унинг соғлигига жуда ёмон таъсир қилди. Оқибатда касаллик уни жарроҳлик столига ётқизди...

Унинг репертуари гўзал ва бетакрор кўшиқлари билан бойиб борди. Мухлислар сони кўпайгандан кўпайди. Энди уни шон-шуҳрат чулғай бошлади. Лекин Ботир Зокиров машҳурликка, номдорликка ружу қўймади. Кўшиқдан кўшиққа юқалиб бораверди. Уни машҳур қилган кўшиқлардан бири “Араб тангоси” эди.

1958 йил Москвада ўтказилган “Ўзбек санъати ва адабиёти” декадасида машҳур араб бастакори Фарид ал-Атрошнинг (композитор Ян Френкель қайта ишлаган) “Араб тангоси” кўшиғи биринчи марта янгради. Янгради-ю, чақмоқ янглиғ Ботир Зокиров номини кўшиқсеварлар қалбига муҳрлади. Бу қутилмаган катта омад ва келажакка ишонч эди. Мазкур кўшиқ номи билан минглаб нусхаларда унинг пластинкалари чоп этилди. Кўшиқ унга оламшумул шуҳрат келтирди...

Ботир Зокиров санъатининг бетакрор сир-синоати, юракларни забт этиб келаётган жозибаси, умрбоқийлиги, унинг бебаҳо сеҳри ва қудрати — миллий нолалар билан йўғрилган дардли ва ширадор овозида.

Бу ноланинг ноласини топган овоз.

Бу тенгсиз овозда — унинг буюк илоҳий истеъдоди мужассам.

Бу қудратли овозда шиддат билан ёнган юракнинг дардли нидолари бор.

Бу чақмоқдай овозда жасорат, мардлик ва миллат ғурури жам.

Бу дарёдай тошқин товушда қалбларни куй-кўшиқ уммони сари оқизиб кетадиган мўъжиза тўла сеҳр бор эди.

У жаҳон саҳналарини мардона ва ўқтам ўзбек овози билан забт этди.

У санъатсевар парижликларни француз тилида куйлаб батамом ҳайратга солди.

У Парижда жаҳон эстрада санъатининг муқаддас обидаси ҳисобланадиган “Олимпия” эстрада театри саҳнасини икки марта ишғол қилиб, ўзбекининг фахри ва ифтихориға айлан-ди.

У дилбар ва бетакрор кўшиқлари билан Со-биқ совет давридаги қардош элларни ҳамиша ҳаяжонга кўмиб қуйларди. Уни барча халқлар ўз санъаткоридай ардоқлаб, эътироф этиб, “Бизнинг Ботир Зокиров” деб фахрланар эди. Кўплаб давлатларнинг ҳашаматли концерт залларида ойнаб берилган концертларига мухлислари тўймас эди. Уни ҳамиша орзиқиб кутар эдилар.

Собиқ совет давлати қанчалар қудратли ва кучли бўлмасин, Ботир Зокиров уни мардона ва жозибадор овози билан забт этиб, улкан мамлакатдаги барча халқларни ҳайрат ва ҳаяжонга солган ўзбекининг олтин овози эди. Худо берган бу санъат заргарининг олтин овози асл эди, соф, тобланган ва жарангос эди...

Ашурали ЖўРАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

ШУКРОНАСИ ВА ҲАМИЯТИ БУТУН ОДАМ ЭДИ

Истеъдодли шоир Муҳаммад Юсуфнинг ҳар бир шеъри миллионлаб қалбларни забт этгани, ўз оҳангча кўшиқларга айланиб кўнгулдан жой олгани бор гап. Ҳар кўнгулда сўнмас муҳаббат уйғотган шоиримизни хотирлаб унинг рафиқаси, Муҳаммад Юсуф номидаги фонь раҳбари, “Фидокорона хизматлари учун” ордени соҳибаси, шоира Назира Ас-Салом билан суҳбатлашдик.



— Назира опа, одатда шоирлар ик-тидори ҳақида сўз борса, уларнинг луғат бойлиги қанчалик тош босиши-га қаралади. Шу маънода чин шоир ижоди халқ тафаккурининг залворини кўрсатади. Муҳаммад Юсуф ана шу тафаккурнинг тўла ҳис қилган, бойитган, куйма, халқона оҳанглари билан барчанинг юрагидан бирдек чўқур жой олган ижодкор эди. Бундай шараф, масъулият юки енгил эмас, албатта. Кўп йиллар шоир билан ҳамнафас, ҳамқадам яшган инсон сифатида бугун мана шу жойда — унинг ҳайкали пойида кўнглингизда қандай ҳислар кечмоқда?

— Биласизми, мен учун энг катта қувончли воқеа — Андижонда шоир номи билан аталувчи ижод мактаби ташкил қилингани, мактаб олдида Муҳаммад акамнинг бюсти ўрнатилгани ва махсус хиббон барпо этилгани бўлди. Ана шу хайрли ишлар учун ҳам давлатимиз раҳбаридан чексиз миннатдорлигимни билдириб ўтмоқчиман. Ўртбошимиз ижод мактабига ташрифи чоғида унинг ўқувчиларига қарата: “Муҳаммад Юсуф халқимиз севган самимий шоир, ватанпарвар инсон эди. Сизлар унинг муносиб давомчилари бўлишингиз керак. Бунинг учун бир дақиқам вақтларингизни беҳуда ўтказмай, кўпроқ ўқиб, тарихга уйғоқ ботиб камолга етишларингиз зарур. Энг катта бойлик — маънавий бойлиқдир”, деган эди. У киши айтган бу шарафли сўзлар нафақат оиламиз, балки бутун шеърсевар халқимиз учун катта ибрат ва ифтихордир, деб биламан.

Мен авваллари пойтахтимизда ҳам Муҳаммад Юсуф хотирасига бағишлаб бирор хиббон ёки хотира макони барпо этилишини орзу қилардим. Ана шу эзгу ниятим билан ҳамоҳанг тарзда Адилблар хиббонининг ташкил этилиши

билан ўқишни хуш кўрарди. Баъзан ўйчан, шоирона ҳаёлот оламига шўнғиб кетарди. Шундай кезларда яна бир гўзал шеър, бетакрор асар туғилишини англаб энтикардим.

Меҳмоннавозлик, дўстлар даврасида самимий гурунлар завқи ҳаётига мазмун берар, аксинча, сохталик, иккиюзламалик ва журъатсизликдан кўп ранжирди. У киши юракдан гапирар, дилида нима бўлса, тилида ҳам ўша эди. Фақат манфаат ортидан қувадиган айрим кимсалардан узоқроқ бўлишга ҳаракат қиларди. Ҳар қандай шароитда ҳам ҳолис, ҳақиқат томонда турарди. Амал-мартаба у киши учун асло қизиқ бўлмаган. Чинакам мартаба-мақом халқ муҳаббати, юрт тинчлиги ва хотиржамлигида деб билар эди. Қалб поклиги, тоза сўз ҳаётининг икки нақши бўлган. Шеърларида ҳам ана шу поклик, тозаллиги ҳамиша сақлаб, бунга қатъий амал қилган, сўз уволдан қўрққан. Муштабид тузум даврида ҳам эркинлик ҳақида дангал гапирар, шеърларида ҳам бунга кўп мурожаат этар, йўқолиб бораётган қадриятлар учун куйиниб, “Дўппи киймай кўйди одамлар” каби кинояли, дилўрттар шеърларини ўзи ҳам яхши кўриб ўқирди.

— Таниқли адабиётшунос Озод Шарафиддинов Муҳаммад Юсуф ҳақида “Унинг халқона самимий сатрларини ёзиш осондек туолади баъзиларга. Қани, ёзиб кўринг-чи! Худо юқтирган истеъдоднинг сўзи бетакрор, бетимсол бўлади. Муҳаммад-жон Худо берган шоир”, деган эди. Айтинг-чи, шоир истеъдодининг сирини нимада эди? У киши қандай китоблардан илҳомланган? Кимларни ўзига устоз деб билардилар?

— Муҳаммад-жон акам халқ оғзаки ижодини, достонларини кўлдан қўймай ўқирдилар. Махтумқули, Юнус Эмро, Машраб асарларидан чексиз завқланардилар. Эркин Воҳидов ва Абдулла Ориповни авлиё даражасида ардоқларди. Мураққаб, тушуниш қийин бўлган тўқима, руҳсиз шеърларга кўзлари тушса, жаҳллари чиқиб кетарди. “Бу “доно”лар ўз онасига, боласигаам шу тилда гапирармикан?” деб жиғибийрон бўларди. Таниқли рус шоири Сергей Есенин ижодини жуда ёқтирарди. Эсимда, қайсидир учрашувда шоир Шукур Курбон “Муҳаммад Юсуф — ўзбекининг

Есенини” деб таъриф берган эди. Шеър ўқувчини қийнамаслиги керак, тандирнодек иссиқ ва қадрдон бўлиши керак, деб кўп такрорларди. Шоир насрни кўп ўқиши шарт, ёшларимизнинг энг катта камчилиги шу — кам проза ўқийди, дея куйинарди. Ҳозир сунъий интеллект “шеър ёзипти”, “кўшиқ айтаяпти”. Лекин минг йилдан кейин ҳам бу қалбаки ид-рок Муҳаммад Юсуфдек асл шоирлар ижодидаги самимиятни, тоза руҳият ва асл миллийликини беролмайди. Бу томондан кўнглим тинч.

— Ўртимизда Муҳаммад Юсуф шеърларини ёд олмаган, кўшиққа айланганларини жўровоз қуйламаган инсон кам. Мана, кун кеча футбол бўйича Осиё чемпиони бўлган ўсмирларимиз завқу шавққа тўлиб, “Улуғимсан, Ватаним” кўшигини ҳайқириб қуйлашди. Менимча, ана шу кўтаринки сурур ҳам ғалабаларга маълум маънода омил бўлди.

— Чинакам истеъдодга замон ҳам, макон ҳам дахл қилмайди, қилолмайди. 2001 йил июль. Бошимга осмон қулагандек бўлди. Ўша кунларни эслашдан безиб қолганман. Яна мудоҳиш фожияни бошқатдан яшашга тўғри келади-да. Ўшандан бери ижодга қўлим ҳам, кўнглим ҳам бормай, фақат у кишининг ёди билан овуниб, ўзимни чалғитиб яшаб келаялман. Муҳаммад акамнинг китобларини чоп эттириш, қайта тайёрлаш каби юмушлар менга таскин беради. Яқинда ижод столи ғаладонида қолиб кетган, чоп этилмаган шеърларини нашрга бердик. У киши “Қуйган жойдан куй чиқади”, деб тўғри айтган эканлар. Кўлёмларни варақлаб, ростан ҳам Муҳаммад акам оловдек ёниб, халқ дардида куйиб ўтганига, чақмоқдек шеърлари ўша ёрқин изтиробнинг учқунлари эканига яна бир бор амин бўлдим.

Биласизми, Муҳаммад ака ёшлар билан кўп ишлаган, ҳамиша атрофида навиқрон қаламқашлар кўп бўлган. Қўлидан келганча уларга ғамхўрлик қилган. Ана шу ижодкорларнинг айримлари бугун халқ назарига тушиб, адабиётда ўз ўрнини топиб борапти. Улар мени йўқлаб келишганида, тўй-тўйчикларда, тадбирларда кўришганда Муҳаммад ака нақадар олижаноб устоз бўлгани, узоқни кўра оладиган дониш-



манд экани ҳақида ўйлайман. Бу ҳам катта адибнинг ўзига хос хислати экан, ўйлаб кўрсам.

— Назира опа, бугун ўзингиз ҳам устознинг ана шу маслагини давом эттиряпсиз. Ёнингизда қизларингиз Мадина билан Нозима сизга беминнат адабий дастёр...

— Биз 2003 йили Муҳаммад Юсуф номидаги жамоат фондини очдик. Икки йилдан сўнг “Олтин қалам” газетаси фаолиятини йўлга қўйдик. Бу газетани ёшлар минбарига айлантиришга интилиб, яхши инсонларнинг кўмаги, қўллаб-қувватловида ниятимизга эришдик. Фондимиз бир қанча грантларни қўлга киритди. Иқтидорли ёшларни, навиқрон таржимон ва рассомларни кашф қилишга бел боғлаб, кўпларининг йўлларини топишда озми-кўпми ҳиссамиз теги, теяпти. Бу ёғига ҳам режаларимиз кўп.

Энг асосийси, давлатимиз томонидан яратиб берилётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, шоирнинг хотирасини эъзозлаш йўлида жуда кўп ишларни амалга оширялмиз: бир қанча

асарлари хорижий тилларга таржима қилинди, сайланма асарлари қайта-қайта нашр этилмоқда, шеърлари асосида айtilган кўшиқлар завқ-шавқ билан қуйланмоқда, саҳна асарлари намоёйиш этиляпти... Бир сўз билан айтганда, халқимизнинг ардоқли шоири Муҳаммад Юсуф гўзал асарлари орқали биз билан иккинчи умрини яшамоқда. Ўлим — тамоман айрилиқ дегани эмас, руҳий муштараклик ҳар қандай ҳижрондан баяндал туради. Қўринг, шоир ҳамма ёқда — муҳаббатли кўнгулда, оталик бахтида, кексалик гаштида, ёшларнинг умидида қайта ва қайта жаранг сояпти. Афсуски, Муҳаммад Юсуф бугунги эркин ва омон-омон замонларни кўрмади. Агар ҳаёт бўлганида қанчалар завққа тўлиб, яна қанчадан-қанча ажойиб асарлар ёзган бўларди. Ҳаётлик вақтлариди “Зомин семинари адабиётимизни реанимациядан ҳаётга қайтарди”, деб кўп таъкидларди. У киши шукронаси ва ҳамияти бутун одам эди.

Зарнигор ИБРОҲИМОВА
суҳбатлашди.

МУТОЛАА

ФЕРУЗХОНДАН
МЕРОС МАКТАБЛАР

Жадидлар ўз даврида жамиятдаги барча соҳаларни қамраб олган қизғин фаолият билан шуғулланишган ва улар орасида ҳаракатга асос бўлгани таълим эди. Дастлаб таълим масканларида Исмоилбек Ғаспдали муаллифлигидаги дарслик, қўланмалар ўқитилган бўлса, қисқа давр ичида маҳаллий фаоллар – Авлоний, Бехбудий, Ибрат, Сўфизода, Ҳамза, Бобоохун Салимов томонидан дарсликлар яратилиб, фойдаланишга топширилгани бу соҳа маърифатпарвар боболаримиз фаолиятида нечоғли муҳим аҳамият касб этганидан далолат беради. Табиийки, ўлкада жадид мактаблари пайдо бўлган даврда тараққийпарвар педагогларга эҳтиёж катта эди. Эътиборли жиҳати, шундай жараёнда халқ ичидан янги авлод педагоглари етишиб чиқди.



хотин-қизларга сабоқ бера бошлайди.

Ушбу жараёнларда тараққийпарвар амалдорлар Мамат маҳрам, Бобоохун Салимов, Худойберганбек Матниёзбековнинг фаолиятини алоҳида таъкидлаш жоиз. Айниқса, бош вазир Исломхўжанинг жадид мактаблари, умуман ушбу ҳаракатнинг ижтимоий-сиёсий жараёнга айланишида роли катта бўлган.

Бу борада бир мисол келтирсак. Хонлиқда кескин ислохотлар ўтказса бошлаган Исломхўжа 1911 йил январь ойда Туркистон генерал-губернатори ҳузуридаги дипломатик амалдорга Хивада яна бир янги усул мактаби очмоқчилигини билдирганди. Дипломатик амалдор эса генерал-губернаторга “Исломхўжа Хивада нафақат хон ва амалдорларнинг фарзандлари билим оладиган, балки бошқа хивалик ёшлар ҳам дунёвий билим олиш имкониятига эга бўладиган мактаб ёки гимназия очиш ниятида эканлигини менга маълум қилди. У ёшларга дунёвий фанлар ўқитилса, мамлакат тараққиёти учун фойдали бўлади, деган фикрда”, дея маълумот берганди.

Исломхўжа шу тариқа 1911 йилда яна бир жадид мактаби очилишга эришади. Мазкур мактаб учун Исломхўжа Хива марказида европача усулда қўш қаватли бино қўрдиради. Исломхўжанинг янги усул мактабида 70 нафар бола ўқиган.

Монографияда Муҳаммад Вафо, Абдурахмон афанди, Хусайин Қўшаев, Нуриддин афанди, Аҳмаджон Акаев, Рамазон Сайдашев, Ғофур Усмоний, Комила Қўшаева, Абдулла Салим, Юсуф афанди, Матқуб Ражабов, Аҳмад Нуриддин, Давид Бакиров, Мухтор Бакиров, Хусайин Иброҳимов, Низомиддин-охун Салимов, Иноятохун Салимов сингари жадид педагоглари фаолияти, уларнинг таълим жараёнидаги иштироки атрофлича ёритиб берилган.

Шунингдек, монографияда Хивадаги “Таъсисоти хайрия”, “Янги Урганч саводхонлик жамияти”нинг жадид мактаблари ни дарслик, қўланмалар билан таъминлаш, иқтидорли ёшларни хорижга юбориш борасидаги фаолияти ҳам таҳлил этилади.

Хива жадид мактабини тугатиб, Истанбул университетиде таҳсил олган Бекжон Раҳмон, Гурландаги жадид мактаби ўқувчиси Олимжон Қодирӣ, Янги Урганчдаги қизлар мактабини тамомлаган Марям Султонмуродованинг Германияда таҳсил олиши, уларнинг кейинги фаолияти, тақдири ҳам архив ҳужжатлари, уша даврга оид бошқа манбалар орқали тадқиқ қилинган.

Бир сўз билан айтганда, “Хоразм жадид мактаблари” монографияси Хоразм заминиде кечган маърифатпарварлик ҳаракати тарихини ўрганишда муҳим ўринга эга манба сифатида аҳамиятлидир.

Исҳоқжон ИСМОИЛОВ,
филология фанлари номзоди

МАЪРИФАТЛИ МИЛЛАТНИ ЕНГИБ БЎЛМАЙДИ

Бошланиши 1-саҳифада.

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан бир неча вазирлик, идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда 2021 йилдан бошлаб ҳар йили апрель ойида анъанавий “Китобхонлик ҳафталиги” тадбирлари ташкил этилаётгани ҳам бунга яққол мисол бўла олади. Жорий йилнинг 21 апрель санасида Тошкент шаҳридаги Симпозиумлар саройида “Ўзбекистон – китобхонлар юрти” шиори остидаги анъанавий V Республика “Китобхонлик ҳафталиги”нинг тантанали очилиш маросими ўтказилди. Унда АОКА, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, ноширлар, ахборот-кутубхона маркази мутасаддилари, китобхонлар, кенг жамоатчилик вакиллари ва журналистлар иштирок этди.

Маросимда сўзга чиққанлар томонидан мамлакатимизда китоб мутолаасини кенг тарғиб этиш, аҳоли, хусусан, ёшлар ўртасида китобхонлиқни ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани, маҳаллий ва хорижий асарларни сифатли таржима қилиш, матбаа соҳасини юксалтиришга катта эътибор қаратилаётгани алоҳида эътироф этилди.

Маълум бўлишча, 2025-2026 ўқув йилидан бошлаб мактабларда ҳафтанинг ҳар шанбаси “Китобхонлик кун”и деб белгиланади. “Ноширдан китобхонга” тамойили асосида китоб савдо-ярмаркалари ҳамда “Жадидлар изидан” республика танлови ўтказилади. Шунингдек, таълим муассасалари кутубхоналари фондларини ўзбек



ва жаҳон адабиётининг сара намуналари билан тизимли таъминлаш каби муҳим вазифалар белгилаб олинган.

– Биз мазкур китоб байрами орқали ёшларнинг маънавий-маърифий савиясини юксалтиришда китобнинг роли ва аҳамиятини кучайтириш, ўзбек адабиёти намуналарини хорижий тилларга ҳамда жаҳон адабиётининг энг сара асарларини ўзбек тилига таржима қилиш бўйича эришилган ютуқларни оммалаштиришни мақсад қилганимиз, – дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори Асаджон Хўжаев.

Агентлик қошида болалар ва ўсмирлар адабиёти бўйича ёзувчи-шоирлар, эксперт-мутахассислар, кутубхоначи ва педагог-кадрлардан иборат ишчи гуруҳ тузилиб, бугунги кунда болалар ва ўсмирлар учун мўлжалланган 50 та янги асар

яратиш бўйича пойиха амалга оширилмоқда. Шунингдек, тадбирда “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий Кенгаши раиси Алишер Қодиров, Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Отабек Ҳасанов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид китоб ўқиш ва унинг тарғиботи хусусида ўз мулоҳазаларини билдириб ўтди.

“Китобхонлик ҳафталиги” Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида параллел равишда бўлиб ўтмоқда. Ҳафталик доирасида сўнгги йилларда нашр этилган янги китобларнинг тақдимотлари, ёш ва истеъдодли ёзувчи, шоирлар билан учрашувлар, соҳадаги долзарб муаммоларни бартараф қилишга қаратилган йиғинлар бўлиб ўтади. 25-26 апрель кунлари эса “Паркент ижод уйи”да болалар ва ўсмирлар адабиётини ривожлантиришга бағишланган “Ноширлар ва болалар ижодкорларининг ҳамкорлиги” мавзусида семинар ташкил қилинади.

Ҳафталик доирасида республика бўйича мингдан ортиқ маънавий-маърифий тадбир, Тошкент шаҳридаги “Dream park” истироҳат боғида ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказларидаги маданият ва истироҳат боғларида, шунингдек, туман (шаҳар) ахборот-кутубхона марказларида “Ноширдан китобхонга” тамойили асосида китоб савдо-ярмаркалари ўтказилади.

Барчани китобхонлик ҳафталигида фаол қатнашишга қақириб қоламиз. Зеро, китобхон миллатни енгиб бўлмайди.

Нозима ҲАБИБУЛЛАЕВА

ТАҚДИМОТ

АЧЧИҚ ҲАҚИҚАТНИНГ БАДИИЙ ИФОДАСИ

Айни кунларда юртимиздаги барча кутубхоналарда китобхонлик ҳафталиги доирасида кўплаб асарларнинг тақдимотлари ўтказилаётир. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор Турсунали Қўзиев томонидан таржима қилинган “Палангалик қочқин аёл хотиралари” китобининг тақдимоти ҳам шулар жумласидандир.



лумот олиш имконини беради.

Асли касби шифокор бўлган турмуш ўртоғининг сургунда кечган ҳар кунлик ҳаётини кундалигига муҳрлаб борган аёл хотиралари мазкур асарнинг дунёга келишига сабабчи бўлди.

– Бу китобнинг шу мавзудаги бошқа асарлардан фарқли жиҳати – ҳолис нуқтаи назаридадир. Сир эмас, аксар тарихий асарлар давр сиёсати ва бошқа сабаблар билан жид-

дайд тахрирга учрайди. Ўрни айрим жойлари қирқиб ташланади, баъзи бўлмаган воқеа-ҳодисалар бўртириб кўрсатилади. “Палангалик қочқин аёл хотиралари” китоби кундалик битиклар асосида яқин ўтмишимиздан рўй-рост ҳикоя қилади. Унинг аҳамияти ҳам ана шу бадий ҳақиқатидадир, – дейди тақдимотга мезбонлик қилган Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори Умида Тешабоева.

Тақдимотда Латвия ва бошқа мамлакатлардан туриб онлайн иштирок этган қатнашчиларга ҳам сўз берилди. Улар орасида китоб муаллифининг оила аъзолари, Латвиядаги ўзбек жамиятининг фаол вакиллари ва бошқа халқаро экспертлар билдирган фикр-мулоҳазалар тадбир иштирокчилари томонидан илиқ қутиб олинди. Сўз олганлар Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистонда яшаган инсонларнинг сургун азобини тортаётган ўзга миллат вакилларига кўрсатган меҳр-оқибати, бағрикенглиги асарда ўз аксини топганига урғу беришди.

“Палангалик қочқин аёл хотиралари” бадий асар сифатида ўқувчига эстетик завқ бериш асносида тарихчи олимлар, географлар, сиёсатшунослар ва бошқа тадқиқотчи мутахассислар учун қимматли манба бўлиб хизмат қилади.

Гўзал СОАТОВА

МУСОПИР ДАРАХТ

СУЖУД

*Ерине қулогига айтдим
Сени яхши кўришим.
Ёки... тик этса эшикка қарайдиган, киминидир кутаётган, қалби соғинчга лиммо-лим шўрлиқнинг руҳий ҳолатини қаранг, қандай инжа ракурсда тасвирланган:*
*Соғинган одам учун
энг гўзал қўшиқ –
Ғуйтиллаган эшик
ноласи...*

Ва, нихоят “**ДИЙДОР**”: *Истаранг иссиғида усиндим.* Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Ғафуров ҳам китоб сўзбошисида эътироф этганидек, “Муҳаммад Сиддиқнинг барча шеърлари, (мана) шундай рангбаранг гўзал топилмалар асосига қурилади. Раҳматли Эркин Воҳидов шундай топилмаларга уста, топагон эди”. Ҳа, ҳассос мунаққидимиз нишонга урганидек, “Унинг шеър ва ҳаётдан топган ҳикматлари барчаси ғофиллик ва зийраклик орасида туради. Баъзан лохут ва носубдан сўзлайди. Ғофилликда йўқотганлари, тийракликда кашф қилганларини топилмалар тарзида ифодалайди. Буларнинг барини у ўзи очган, ўзи топган, шеърӣй ҳадыга айлантирган. Ва бари маънодор”. Ишонмасангиз, мана сизга:

УРУШ ОДАМЛАРИ

*Бобомнинг енгага қараб билар эдик
Шамол қай тарафга эсаятганин.* Қўриб турганингиздек, тўғрироғи, шоир кўзингизга кўрсатганидек, ушбу қисқа сатрларда ҳаётнинг, инсон руҳияти ва тафаккурининг турли қирралари ялт этган чақмоқ ёруғида бор бўй-басти билан намоён бўлади. Аканинг айтмай туриб айтган гаплари, айниқса, “ёпилғик қозон”и ўйлантиради одамни.



Демоқчиманки, сиз ҳам бу китобни ўқинг, образли қилиб айтганда, МусоПир дарахтинг қўлидан тутинг. Кейин... чақмоқ ёруғини музлатиб қўйинг-да, ички дунёнинг энг гўзал манзараларини хоҳлаганингизча томоша қилинг.

ИЛДИРГИ: Айтмоқчи, муҳим бир гапни унутай-зибман, камина бир вақтлар “Топ тусли Мажнун”да қиёснинг кифтини келтирганидек, Сиз катта дарахтсиз, Мажнунтолсиз, шоир ака:

*Мен ҳавас қиламан тол тусидаги
Мажнунда кўрсам-да, афтода чеҳра:
Олар у ер ости ҳам устидаги
Ҳаётдан бир вақтнинг ўзида баҳра.*

*Ҳеч юрак қолмасин гуноҳ қасрига,
Миниб чопса ҳамки ҳаёт қилиб от.
Эътиқод сусайган бизнинг асрда
Борми шу дарахтдай баркамол бир зот?!*

Шўхрат АЗИЗОВ



ТАДҚИҚОТ

МИЛЛИЯТ ТОМИРИНГИЗ ҚАНДАЙ УРАДИР?

...1918 йил “Чигатой гурунги” тузилди.

Бу жадидларнинг очик сиёсий фаолиятдан эндиликда муроса йўлига ўтганини англа-тар, улар бутун куч ва ғояларини адабиёт-га, айниқса, шеърият ва илмга кўчиришни мақсад қилишганди. “Иштирокиюн” газе-тасининг 1919-20 йиллардаги сонларида “Чигатой гурунги” дастури йўналишида кўплаб шеърлар эълон қилинади. Бу ғоявий бутун, хурриятни қуйловчи асл шеърият эди, уни Фитрат, Чўлпоннинг издошлари яратди. Кейинчалик ташкил этилган “Қизил қалам” жамияти ҳам “Чигатой гурунги”нинг янги босқичи сифатида фаолият юритиши кўзланган эди. Аммо...

1918 йиллардан социалистик матбуот ҳам изга туша бошладики, 1920 йилга бориб со-циализм анча кучайди, большевиклар Бухоро ва Хивани эгаллади. Жуда кўплаб иждоқорлар ҳаётида янглиш тушунчалар, иккиланиш, тайин-сизлик бошланди. 1894–1904 йилларда жадид-кадим зиддияти давом этган бўлса, 1919–1924 йилларга келиб уламоларнинг ўзи қадимчи ва тараққийпарвар деб аталувчи икки гуруҳга аж-ратилди.

Жуда катта маънавий тўлқин сифатида юза-га келган “миллий шеър” масаласи ҳам миллат зиёлилари ўртасидаги низога айланганди. Ўз вақтида кўплаб уйғоқ фикрли иждоқорлар жадид адабиётини яратишга бел болаган эди-лар. “Миллий ашъори Таржимон” мажмуаси но-шир ва муҳаррири Баҳромбек Давлатшоев ҳам “Хурматли ўқувчилар!” сарлавҳали сўзбош-да “Ғафлат, жаҳолат чуқурига чуқур ботдикми, бошқа шоирлар каби миллий шеърлар ёзиш би-лан шугулланмас, уларни миллат учун лозим ва лобидлигини хаёлга ҳам келтирмас эдим... Шунинг учун ўтмиш шоирларига тақлид қи-либ, улар каби маъшуқаларнинг нозик қадрла-ридан ёзиб юраёндим”, дея иқдор келтиради. Шунингдек, унинг “Эмди ҳамдлар ўлсунки, 1905 миллодий санасидан буён мусулмонлар ўртаси-на бир ҳис иштибоҳ асари кўрунуб, бул сабаб-ли матбуот иши илгари бордиги кўрунмоқда ва адабиётни миллиятиш доира тариқига кирмоқ-дадур... Бул ўртада мени-да миллият томирим ҳаракатга келиб, миллий шеърлар ёзмоқга ва Ватани азизим ўпан туркистонли ўз диндош-лар ғафлатидан ва ибратсизликлариндан ва бир неча камчилик ва келишсиз ишлариндан баҳс этмоқга мажбур этди”, дея янгилик йўли-га кирган эди.

Аммо сиёсий таъсир остида, айтганимиздек, “миллий шеър” масаласи уламо, маърифатпар-варлар ва жадидлар ўртасида кескин баҳсли ҳо-латни юзага келтирди, эндиликда у Фитрат, Чўл-пон тимсолида аёвсиз қарама-қаршилиқларга учарди. Шу тариқа Фитрат ва Чўлпон ижоди матбуот саҳифаларида адабий танқиднинг ало-ҳида бир тармоғига айланиб борди.

“Туркистон” газетасининг 1923 йил 23 март сонидида “Уйғониш” сарлавҳали имзосиз тақриз-мақола босилди. Бу шундай мақолаки, унинг бўйини истаган томонга буриш мумкин эди. Муаллифнинг “Турмуш ғавағлари, кўзгалван ва ўзгариш тўлқинлари бизнинг эскилик кучоғи-да ва белгусиз хурофий саодат умидида ёнган халқимизга ўзбекнинг кўпол ва қаттиғ ҳақиқа-тини кўрсатди. Тинч бир кечин ва хаёлий фикр ва туйғулар билангина яшамоқ даврининг ўт-ганлигини ва елиш-югуришлик, тинчсизлик за-монининг бошлангони аччиқ бир суратда сездириб... Шоирларимиз эул ва булбул мадҳи ўрнида замон ва муҳит куйларини ўқумоққа бошладилар”, тарзидаги фикрларини соғлом назар билан мутлақо қабул қилиш мумкин. У Чўлпон шеърларини “жуда нафис ва шеърият



муҳибларининг кўнгилларига мувофиқдир”, дея таърифлар экан ёки “хаёлдан ҳақиқатга ўтиш даври ўрганиш кўнларининг юрагига илк берган туйғулар умидсизлик, ўқсиниш, алданиш шакли-да оғизлардан тўкилади” дер экан, бу мулоҳа-залари ва келтирган мисоли давр ҳақиқати ҳам-да мантиғига зид эмас:

Нечук очилди кўзим,

кайга кетди уйқуларим,
Бу уйғонишда тўлуб-тошди,

ошди қайғуларим...

Чўнқи уйғониш оғриксиз бўлмади, бу табиий жараён. Муаллифнинг мана бу хулосаловчи фикри бўлса дудам қиличга ўхшайди: “...умид-сизлик бизнинг сўнағи давр адабиётимизнинг кўзга кўринарлик ва ҳақиқатан ачинарлик ху-сусиятидир... ҳақиқатини аччиқлигини билма-ган борми?” Эҳтиёткор муаллиф айтган ҳақиқат сиёсат қўлида бора-бора айблов даражасида ўсиб борди ва Чўлпонни ҳалок қилди.

Газетанинг 1923 йил 4 май сонидида 3.Башир-нинг “Ўзбек шоири – Чўлпон шеърлари”, 1 июль сонидида “Ўзбек шоири – Элбек” мақоласи чоп этилган. Муаллиф бу даврни ўзбек чигатой ада-биётининг янги даври деб атайди. Чўлпонни “... шеърлари текис ва нафис бўлиб тизилиб ке-лади... чин юрак ва ҳис шоири (лирик) бўлгони ҳолда... очик ва маълум бўлгон бир мақсадга қараб ёзилади”, дея алқайди. Чўлпонга қўйи-ла бошлаган қатор айбларни рад этади: “хаёл-га жуда бой бўлгони ҳолда ул ўзини кишилик олаmidан чикорғучи хаёллардан ҳам узоқда; шеъри тасвирга бой бўлиб, маъносидан сўзи оз ва шуларни соф ўз тилида ёзади”. 3.Башир имзосиз муаллифнинг мақоласини “тўғри йўл”-га солмоқчи бўлади, шоирнинг умид ва имони ҳақида ёзишни лозим топади, мақола, аслида, шу жумла учун ёзилгани ойдинлашади: “Чўлпон ўртоқда зор ва фиғон жуда оз. Ул зор ва фи-ғонларни ёзгонда ҳам уларни умидлик иборалар билан тушунтириб кетадир”. “Туркистон”, “Қи-зил байроқ”, “Қизил Ўзбекистон” саҳифаларини кузатганда, бир шоирнинг, айниқса, Чўлпоннинг умид ва имони тўғрисида ёзиш жасоратдек тую-лади. Аммо муаллиф танқид қилишдан тийил-майди: “Чўлпон ўртоқ “эл” ва “халқ” сўзларини қанча кўб ёзса ва сўзласа ҳам, ул халқ шоири эмас, халққа яқин бўлгон зиёлилар шоиридир”.

3.Башир Чўлпон шеъриятида халқчилик жуда озлиги, унинг идеалистликка яқинлашиб бораётгани, табиат тасвирларида кераксиз фалсафий мушоҳадага берилиши, “эл”, “халқ” сўзларини меъёрдан ортқ қўллашани ҳам тан-қид қилади. “Қуз” шеърида табиятнинг мазлум шарққа муқояса қилиниши танқидчига малол келади. 3.Башир шоир идеаллар билан яшаши,

текис, нафис, лирик шеър жанговар ва тўпори халқчиликдан йироқ бўлишини қабул қилол-майди. Аммо бир ҳақиқат борки, давр танқидчи-лари қайсики шоирни текширар экан, Чўлпонни мезон сифатида олади. Элбекка бўлса “достон-чи бўлгонда ҳам хаёл дунёсида учкучи идеалист зиёлилар учун ёзғучи достончи бўлмасдан, соф халқ достончисидир”, дея таъриф беради. 3.Ба-шир бир неча сабабларни кўрсатиб, Элбекка кучли, истеъдодли ёш шоир номини беришга ҳали эрта эканлигини ёзади: унда юрак шоирли-ги ва ёлқунлиқ ҳислар оз кўрилади; масалла-рида жуда оғир иборалар ва жумлалар кўб; та-биат тасвирлари ҳам унча уста эмас; сўзларни кераксиз кўб ишлатади. Муаллиф бу камчилик-ларни санайди-ю, аммо уни бошқа истеъдодли, юрак ёлқинига бой шоирлардан устун қўяди: у руҳи билан халқ шоири; қуруқ ҳисга берилиб, хаёл оламида учин йўқдир; “йўқсиллар адаби-ёт”га йўл солишига умид бор.

3.Башир адабиётга, шеъриятга қўйилади-ган мезонларни жуда яхши билади, аммо уни санъат мақомидан тушириб, мардикорга айлан-тириш томон боради ва буни онгли тарзда ба-жаради, хаёлан Элбекни Чўлпонга қарши қўяди. Мана шундай мақолалардан хулоса қилиш мум-кинки, 1923 йилдан миллий адабиётда зўриқиш, қоллиларга тушиш бошланган эди.

Неъмат Ҳаким “Ўзбек адабиётида танқид ва адабий муҳокама” мақоласида Элбек, Фит-рат, Чўлпонни шоир сифатида йўққа чиқаришга уринади: “Элбек шоир ҳам эмас... у тиришқоқ бир ишчидир... Фитратни ҳам ҳозирги Европа тарозиси билан ўлчогонда шоир бўлиб чиқмай-дир. Балки Бухорои шариф ва Эрон шеърӣ мезонлари билан ўлчогондагина яхши бир фал-сафӣ шоирдир. Чўлпонга келганда ул миллий хусусият билан қойнойдир, лекин шуни маълум бир суратга кириштиб етказар олмайди. Шун-дай бўлса ҳам унинг ёзгонларининг 95 % олиб ташлаганда 5 % билангина лиричиский бир шоир даярга ёрарлиқдир”.

Бу 1917 йилдан ўз қиёфасига эга бўлган чи-накам янги ўзбек шеъриятининг рад этилиши, унга қўйилаётган ўз ўрнини қизил шеъриятга бўшатиб бериш талаби эди. Буларга жавобан яна В.Махмуд ўртага тушади ва ўзбек ада-биётининг борлигига шубҳа қилаётганларга Чўлпон номи билан жавоб бермоқчи бўлади (“Туркистон”, 1924 йил 25 июнь). Бу курашлар ичида Чўлпон “Улуғ ҳиндий” мақоласини эълон қилди, бу билан у адабий танқидга адабиёт ва шеъриятга каттароқ мезонлар ҳамда ўлчовлар билан қараш кераклигини, чин адабиёт асли-да қандай бўлишини ёллатиб қўймоқчи бўлди. У эски, янги ёки ғарб адабиётининг ўз қиймати

борлиги, адабиётга адоват билан қараб бўлмас-лигини ёзди. Миллий адабиётни дунё адабиёти миқёслари билан ўлчар экан, мавжуд вазиятни жуда мохирлик билан ифодалади: “...ўзбеклар эскидан – ҳеч сабабсиз! – аразлагон, хафа; ян-гига – эндигина суқулиб кирмоқда. У адабиёт майдонида янгиликка нисбатан: ёш бола, гўдак, чақалоқ; эскиликка нисбатан: етим, кимсасиз, беспризорний, ўзбошли! Жўрғат қилиб, “йўлсиз” деб юборайин дейману кўрамен, негаким, бош-лаб... ўзим йўлсиз!” Чўлпон мақоласида адабий авлодлар силсиласини қуйидагича тизади:

Навоийдан то Муқимийгача бўлган давр; у бир хиллиги билан шоир юрагини тоддиради, чўнқи бу вақтга келиб ушбу адабиёт ўз вазифа-сини ўтаб бўлганди;

Авлоний, Тавалло, Сиддиқий, Ҳамзалар ав-лоди – уйғотувчи авлод; Чўлпон уларни “ўқимай-мен, ўқимаймен, мени шу ҳолга солган ушалар”, дея ижодкор чекади;

Ўз авлоди – уйғонган, юраги миллатга очил-ган авлод; ўз авлоди қиёфасини Чўлпон “Нечун очилди кўзим. Қайга кетди уйқуларим?..” мисра-си билан ифодалаган;

Боту, Ғайратий, Олтой, Ойбек, Жўлқунбойлар авлоди; Чўлпон улардан қувонади, “ёнгон чироқ-лар” дея алқайди ва эртасини уларда кўради.

Чўлпон “ортқ янгилик, ғарблиқ ё ортқча шарқилик”ка берилмаган, шарқ ва ғарб ўрта-сида олтин кўприк бўладиган бир шеърият яра-тилишини хоҳлайди, ҳар гўдакда бир Тағўр, бир улўғ Ҳиндийни кўради. Унингча, ҳали гўдак бўл-ган ўзбек адабиёти ўзида буюк келажакни ка-молга етказди. Гарчи бутун матбуот, йиғинлару мажлислар бор овозда Чўлпонни умидсизликда айблаган бўлса-да, у 1935 йилда ҳам “Бизнинг улўғ мамлакатимиз ва улўғ халқимиз – эртага бугундан ҳам кучлироқ, ҳақимроқ ва бахтлироқ бўлади”, дея ёзади. У ўзидан умидни узганда ҳам келажакдан умид узмайди. Аммо Чўлпон-нинг бу мақоласи матбуотда кўтарилган шовқин-суронлар ичида эшитилмай кетди. Аксинча, ёш кучларни Чўлпон таъсиридан “сақлаш”, адабиёт кучларини тўллаш масаласи кўтарилди, Ойбек-ка “балого йўлиққан” дея ташхис қўйилди. Му-наввар қорининг: “Мафкура учун курашилмасан, ислоҳ қилинсин”, дея айтган сўзларини ҳеч ким эшитмади. Боту октябрь инқилобидан сўнг ада-биёт тайин ижодий кучларни бермагани, бир жойда депсиниб туриб қолганидан огоҳлантир-ди: “Октябрь инқилобидан сўнг борлиқ кўрсатган адабий оқим “жадид” адабиётини майдондан чиқариб ташлади. Бир неча йил ичида бир тўда ёш қаламкашларни кўпчилик назарига тақдим этди. Лекин бу янги ўзбек адабиёти ҳам биринчи даврда бутунлай миллий руҳ билан сўғорилгони учун белгилик йўлда ўсди... “Чигатой гурунги” ёш кучларни тўллаб ҳаракат қилди ва “Гурун” йўқланганидан сўнг янги ўзбек адабиётинида кўб янгиликлар борлиққа чиқорилмади. “Чигатой гурунги” байроғи остига тўпланган кучлар икки қатта тўдага айрилдилар. Бир тўда ти-лак, йўл ва шаклда “Гурун”га содиқ қолиб ил-гарилди. Иккинчи тўда бўлса у тилакка ва у йўлга қарши чиқди; янги йўл, янги шакл излаш-га киришди. Бироқ бу фикрда биринчи тўдадан бутунлай узоқлошгон бўлса ҳам, шу кунгача ўз-бек адабиётинида бошқа янгиликлар яратолгони йўқ” (Боту, “Қизил қалам” ва унинг галдаги вазибалари). “Қизил Ўзбекистон”, 1927 йил 23 сентябрь).

Боту мураккаб шахс, тўлақонли жадид эмас. Аммо у муҳим ўринларда Фитрат ва Чўлпон йўлига содиқ қолган, назаримизда. Бу унинг “Қизил қалам” жамияти “Чигатой гурунги” ба-жарган вазифани бироз ўзгарган шаклда давом эттиришига умид биланлагани, шунингдек, бу янги жамиятнинг маърузачилари рўйхатига жадид-

амалга оширилган. Штат бош вазири Жа-синта Алланинг сўзларига кўра, нишонга олинган коалалар оғир аҳволда бўлган. Си-ёсатчи уларни йўқ қилиш қарори тегишли тахлилдан кейин қабул қилинганини бил-дирди.

ҚАНДЛИ ДИАБЕТНИ ЭРТА АНИҚЛАШ УСУЛИ

Токио университети тадқиқотчилари қандли диабет хавфининг асосий кўрсаткичи ҳисобланган глюкоза даражаси-ни бошқариш баҳолашнинг ноинвазив усулини ишлаб чиқди.



Уларнинг усули танага тақиландиган ва реал вақт режимида қондаги қанд миқдори-ни кузатиб борадиган узлуксиз глюкоза мо-ниторлари (CGM) маълумотларини тахлил қилишга асосланган. Тадқиқот натижалари “Communications Medicine” (CM) журналин-да эълон қилинди.

Усул имкон қадар қулай бўлиши учун

ларнинг киритилишида жонбозлик кўрсатганида аниқ намоён бўлади. Адабиётшунос Б.Назаров фикрича, 1927 йилгача танқидчиликда жадид мақсадлари ҳам, шўровий мақсадлар ҳам ара-лаш-қуралаш илгари сурилиб келинган. Бу ҳатто 1927 йил адоғига қадар давом этган.

Ойбекнинг: “Дунёда ҳеч ким хаёлсиз шоир ва хаёлсиз адабиётни тасаввур эта олмас... Чўлпон янги адабиётда янги нарсалар яратди, мувашшаҳ адабиёти ўрнига бу куннинг бадий завқига яраша ёқимли, гўзал шеърлар ўртага чиқди” каби соғлом қарашлари қабул қилинма-ди. Чўлпон Тагор орқали миллий, аммо миллий маҳдудликдан узоқ ижод йўлига қақирарди.

Юнус Латиф арузни адабиётдан сиқиб чиқа-риш керак деган даъво билан чиқади, янги ўзбек шеъриятининг сўнги тўлқинлари бўлган Ойбек ва Бектошга бўлган ҳужумни давом эттиради. Матбуот саҳифаларидаги бу манзара анча но-хуш кайфият уйғотади. 20–30 йилларда яшаб ижод этган зиёлиларни ўрганар экан, адабиёт-шунос И.Ёқубов уларни икки авлодга бўлади: октябрь тўнтарышгача дунёқараши шакллан-ган, ҳар икки тузумни қоғиштириш имконига эга бўлган авлод (Фитрат типидидаги кекса авлод ва-киллари) ва бевосита шу тузум тарбиялаб воя-га етказган авлод (О.Ҳошимов сингари ёшлар). И.Ёқубов фикрича, 1925 йил 18 июнь резолю-циясидан сўнг кекса авлод ҳам “марксчи”лар билан тил топишишга ҳаракат қилган.

М.Солиҳов жадид адабиётининг фаолият майдонини қуйидагича чизиб беради: “...1917 йилдан бошлаб 1928 йилгача пантуркизм маф-курасини акс эттирган адабиётнинг ўзбек про-летар-социалистик адабиётга қараганда кучли тусда оқиб келганини кўраимиз... 1928 йилга кел-ганда аста-секин ўсиб ва кенгайиб келган про-летариат адабиётининг ғолибона қаршилиқига учраб, ўзининг кенг ва очик фаолиятини тўхтат-ган бўлса-да, у тарихгача ўзбек-совет матбуо-тида анча кенг ва кучли ўрин тутиб келди”. Шу тариқа вульгар социологик ёндашми устувор мавқега кўтарила борди, бутун кучлар қиёфа-сиз авлодни майдонга чиқариш учун курашди. Чўлпон, Алавий, Элбеклардан тамом ажралиб турувчи бу шоирларни М.Солиҳов “йўловчи шоирлар” дея алқайди. “Миллий шеър” яратиш ва унга доир баҳслар бутунлай бошқа йўлларга кириб кетди.

Бундай мураккаб, зиддиятли, носоғлом му-ҳитда янги шеъриятнинг назарий асосларини кўрсатиш зарурати бор эди. Адабий баҳслар бу масалани четлаб ўтар, улар ғоявий интилишлар-га куч беради. Бу қоришқилик ичида янги ўзбек шеъриятининг асл қиёфаси, илмий асосланган-лик жиҳати, энг муҳими, жадид шеъриятининг ғоявий бутунлиги, вазн ва ритми муаммолари қай тарзда ҳал этилгани жуда туманли тарзда на-моён бўларди. “Миллий шеър” қандай бўлиши керак, у шеъриятдаги алоҳида турми ёки жадид адабиёти ичидаги алоҳида адабий ҳаракатми, деган саволларга Фитрат тўлақонли жавоб бер-ди ва ўз рисолаларида унинг моделини яратди. Миллий Ватанининг миллий модели – Туркистон мухторияти бўлса, шеъриятнинг модели – мил-лий шеър эди.

тадқиқотчилар, беморлар ва шифокорлар мустақил равишда CGM маълумотларини тахлил қилиши ва хавфни баҳолаши мум-кин бўлган веб-илова ишлаб чиқилган.

II ЖАҲОН УРУШИГА ОИД БОМБА ТОПИЛДИ



Германиянинг Кил шаҳрида Иккинчи жаҳон уруши давридаги авиабомба то-пилгани сабабли 11 мингдан зиёд киши эвакуация қилинмоқда. Бу ҳақда шахар расмий веб-сайтида маълум қилинган.

Хабарда айтилишича, зарарсизланти-риш жараёнида режалаштирилган қисман портлаш ҳам юз бериши мумкин. Ҳодиса жойига етиб келган саёплар бомба корпу-си яхши ҳолатда эканлигини ва уни хавф-сиз тарзда зарарсизлантириш мумкинлиги-ни билдиришган.

Эвакуация сўнги ўн йил ичидаги, балки шахар тарихидаги энг кенг кўламли кўчи-риш тадбирига айланиши мумкин.



Зилзилалар Истанбул, Текирдағ, Ялова, Бурса ва Баликесир вилоятларида яққол сезилди.

Республика Транспорт вазирлиги даст-лабки маълумотларга кўра, аэропортлар, йўллар, поездлар ва метрога ҳеч қандай зарар етмаганини маълум қилди.

Ер силкинишлари тахминан 7 км чуқурликда содир бўлган, дея аниқлик киритди “Anadolu”. Агентликнинг ёзиши-ча, одамлар ваҳимага тушиб, биноларни тарк этган ва очик майдонда тўпланган.

“CNN Turk” хабарига кўра, зилзила ҳатто Истанбулдан 300 км узоқда бўлган Анқа-рада ҳам сезилган.

ТИНЧЛИК МУЗОКАРАЛАРИ БАРБОД БЎЛДИ

Лондонда Украина ва Ғарбдаги ит-тифокчилар ўртасидаги ташқи ишлар вазирлари даражасидаги музокаралар барбод бўлди.

“Медуза” нашрининг ёзишича, Украина президенти Владимир Зеленский Киев Рос-сиянинг Қрим устидан суверенитетини тан олмаслигини айтган. Дональд Трампнинг тин-члик режаси эса АҚШ Қримни Россия ҳудуди сифатида тан олишини назарда тутарди.



Украина президентининг сўзларидан бир неча соат ўтиб “The New York Times” газе-таси АҚШ давлат котиби, Лондондаги музока-раларда Америка делегациясига раҳбарлик қилиши режалаштирилган Марко Рубио у

ерга учмаслигини хабар қилди. Бунинг ор-тидан Германия ва Франция ташқи ишлар вазирлари ҳам сафарини бекор қилди.

КОАЛАЛАР ЎҚҚА ТУТИЛДИ

Австралиянинг Викториа штатида ўтган ой давомида 750 га яқин коала отиб ўлдирилди, деб хабар беради “Sky News”.



Қайд этилишича, “Budj Bim” миллий боғидаги юзлаб ҳайвонлар ўрмон ёнғини-дан кейинги режалаштирилган тадбирлар доирасида йўқ қилинган. Маҳаллий ҳуку-матнинг таъкидлашича, уларда шундай йўл тутишдан бошқа чора қолмаган – кўплаб коалалар оғир жароҳат олган, сувсизлик-дан азобланган ва очликдан ўлар ҳолатга келиб қолган.

Вертолётдан туриб ҳайвонларни ўққа тутиш операцияси штатда биринчи марта



Бошланиши 1-саҳифада.

Мен эса 43 ёшимда – отамнинг бу кетишидан 68 йил кейин – 1990 йил 20 октябрдан 15 ноябргача Ўзбекистонда бўлдим. Бунга қадар чет элларда – Туркия, Покистон, АҚШда таҳсил олаётганда дастлаб ота-онамдан юртимиз ҳақида турли маълумотлар олиб, кейин мактаб ва университетларда шу мавзуларда бакалаврият, магистратура ва докторлик диссертацияларимни ёзиб чиқдим.

Иккинчи муҳим воқеа, Ўзбекистонга зиёратимда ота томондан яқин қариндошларим билан танишганим бўлди: улардан бири атоқли тарихшунос олим профессор Сулаймон Иноятов – амакимиз Отаулла Хўжаевнинг (1880–1937) невараси эди. Ўша пайтда Хўжаев фамилияси “хавфли” бўлгани учун Сулаймонжон бобомиз Иноят исмини ўзига фамилия сифатида олишга мажбур бўлади.

Мен ва Сулаймонжон унгача бир-биримизни ҳеч билмас эдик. Бир куни шоир Жамол Камол билан Тошкентдан Бухорога кўнганимизда Сулаймон билан аэропортда беш дақиқача кўришиб-гаплашдик, у киши Тошкентга учиб кетаётган экан. Биз танишмасдан олдин Сулаймоннинг бошидан қизик воқеа ўтган, кейинроқ менга айтиб бердилар:

Сулаймон Иноятов 1987 йилда Москвада докторлик диссертациясини ёқлаётганда домлалар унинг диссертациясида чет эл олимларига қарши етарли танқид тополмай, қўлига чет тилларидан русчага таржима қилинган мақолаларни тутқазиб, диссертациянгизда буларни қаттиқ танқид қилинг дейишган. Улар орасида менинг 1973 йилда АҚШдаги бир илмий китобда Бухоро Халқ Совет Республикаси (1920–1924) ҳақидаги мақолам ҳам бўлган. Сулаймонжон у пайтда “Timur Kosaofli” исмли шахсининг ўзига қариндош бўлганини, албатта, билмаган. Кейинроқ менга айтган: “Мақолаңгиздаги фикр ва фактларни тўғри топган бўлсам ҳам, сизни советга қарши буржуа тарихчиси деб қоралаб раддия ёзишга мажбур бўлдим!” Мана бу воқеа ҳам биз қариндошлар орасида ўша темир парданинг қанчалик кучли тўсиқ бўлганидан далолат.

Учинчи муҳим воқеа 1990 йилнинг октябрь ойида ТошДУга борган чоғимда юз берди. Университетнинг ўзбек филологиясида ўша пайтлари дарс берган Ғулом Каримов, Абдуқодир Хайитматов, Аҳмад Алиев, Ҳасанхўжа Муҳаммадхўжаев, Умарали Норматов, Карим Назаров, Абдуғафур Расулов, Бегали Қосимов, Иристойл Қўчқортоев, Норбой Худойберганов ва бошқа улўф олимлар билан танишдим. Улар аср шажарасида ўчмас из қолдирган, бугунги авлод учун, таъбир жоиз бўлса, афсонавий устозлар ҳисобланади! Шахсан мен учун улар билан суҳбатлар ҳаётимнинг энг унутилмас онларидир...

Бегали Қосимов ва талабалар билан аудиторияда қизгин суҳбат кечганди. Демак, сиз ҳам ўша пайтда талабалар орасида бўлгансиз, бундан чексиз хурсанд бўлдим.

Шу учрашувдан сўнг Умарали Норматов мени Эркин Воҳидов уйида йиғилишга таклиф этди. У ерда ҳам кўп шоир-ёзувчилар билан танишдим.

Кейинроқ шоир Рауф Парфи билан бир неча бор кўришдик, уйда меҳмонда бўлдик. Шоир Шукрулло, Дадахон Ҳасан, Одил Ёқубов, Пиримкул Қодиров ва бошқа устоз ижодкорлар суҳбатда бўлганмиз, ҳатто машҳур раққоса Тамарахоним билан ҳам бир тўйда гаплашганимизни эслайман.

– Устоз, сизни серқирра ижодкор деб биламиз: жур-

налист, публицист, шоир, адабиётшунос олим, фаол ташкилотчи... Барчасининг урдасидан чиқиб, қомусий бир йўсинда ижод қилиш осон эмас. Тему́р Хўжаўгли деган инсонга сиз четдан қараб, унинг ижодий фаолиятига қандай баҳо берасиз? Шоир Тему́р Хўжаўглининг қайси шеърини ҳар доим хирғойи қилиб юрасиз?

– Эътироф учун ташаккур. Менинг турли йўналишда ишлаб ижод қилишимга отам Усмон Хўжа ва онам Ҳакимаҳон Тўрани бош сабаб деб биламан. Улар ватан туйғусини онгу шууримга шундай маҳкам жойлашган эканки, бошлаган ишимга қандай шўнғиб кетганимни ўзим ҳам билмай қоламан. Ота томондан бобом Саййид Акрамхон Тўра Қўқон хони Худойхоннинг жияни бўлади. Қўқон хонлиги чор Россияси томонидан босиб олингач, Косон ҳокими бўлган Саййид Акрамхон Тўрани 1880 йилда Абдурахимхон ўзи билан бирга Афғонистонга олиб кетади. У ерда тахтга ўтиргач, Акрамхон Тўрани ўзига ноиб этиб тайинлайди. Отамиз 1922 йил охирида Кобулга келганида Акрамхон Тўра уларни ўз саройида сақлайди. Советлар Афғонистонга сиқув қилиб Усмон Хўжани қайтариб беришларини талаб қилишганида отамизга Истанбулга йўл олишини айтиб, қизи Ҳакимаҳонни турмушга беради. Онамиз фольклорни – алла, матал, эртагу дostonларни ёд биларди, балигимда менга кўп айтиб берарди. Отам эса менга Навоий, Бобур, айниқса, Фитрат ва Чўлпон каби жадид шоирлар ижодидан ўқиб берар, уларни ёдлашимни тайинларди. Болаликдан ўзбек халқ оғзаки ижоди, мумтоз адабиёт ҳамда жадид адабиётни пухта ўрганиб, улар ичида ўсдим, яшадим.

Бу диққат-эътибор кейинги қадмларимда, илм йўлида катта ёрдам бўлди. Айниқса, олий ўқув юртларида – Туркия ва АҚШда тилшунослик, адабиётшунослик, тарихчилик билан бирга, совет тузуми туфайли марксизм, коммунизм, сиёсат, халқро муносабатлар соҳаларида дарслар олиб, илмий изланишлар олиб боришимда туртки бўлди.

Мактабда ўқиб юрган йилларимда қисқа ҳикоя, шеърлар ёзар ва улар Туркиядаги болалар журналларида чоп этиларди. Талабалик давримда турк шоирлари ижоди бўйича адабий-танқидий, таҳлилий чиқишлар қилдим. Кейинроқ ўзбек адабиёти юзасидан туркча ва инглизча мақолаларим Туркия ва АҚШдаги бир қатор журнал, энциклопедияларда нашр этилди.

1987 йилда ижод намуналаримдан бири турк ҳикоячилигининг мумтоз вакили Умар Сайфиддин номидаги мукофотга лойиқ қўрилди. 2018 йилда туркча шеърлардан иборат “Севги сўзлари” китобим нашр этилди. Ўзбек шоири Йўлдош Ўшбек ушбу китобдан шеърларимни ўзбекчага ўтиргач, шу номда Тошкентда нашр қилинди.

Ўзбекча шеърлар ҳам ёзганман, албатта. 1992–1993 йилларда “Шарқ юлдузи”, “Ёшлик” журнал, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида нашр этилган. Улар орасида “Олислардан бир садо” шеъримни чет эллардаги ўзимни тасвирлаганим учунми, айро яхши кўраман:

Она юртим, тонг чоғи
Менга ўхшаш бир сабо

Этказар тоғлар ошиб
Олислардан бир садо.

Бу садо илтижомас,
Бу садо бир тебраниш.
Бу садо интиҳомас,
Бу садо бир уйғониш.

Сабо бўлиб сочингда
Ўзимга тахт қурайин.
Садо бўлиб қалбингда
Элимга бахт сўрайин.
– Устоз, бугун жадидлар мавзуси жуда долзарб ва муҳим. Биз ўзбек жадидшунос олимларининг асарлари, тадқиқотларидан яхши хабардормиз. Аммо жадидлик ҳаракати пайдо бўлгандан то ҳозирга қадар бу масала турли миллатга мансуб хориждаги олимлар томонидан ҳам тадқиқ қилинади. Яқинда юртимизда япониялик жадидшунос профессор Ҳисао Куматсу меҳмон бўлди. Анча суҳбатлашдик. Газетада суҳбатлари ҳам берилди. Энди ундан бошқа, сизга яхшироқ таниши бўлган, дейлик, Эдвард Олловорт, Адиб Холид, Ингеборг Балдауф, Тураж Атабаки, Яеуз Акпинарлар бор. Шу каби бизнинг яқин тарихимизни холис, одил ўрганиб баҳо берган бошқа яна кимларни айта оласиз? Яъни олим сифатида номлари саналган ва саналмаган хорижлик қайси жадидшуносларнинг қандай номдаги асарларини ўзбек тилига таржима қилиш муҳим деб ҳисоблайсиз?

– Баҳодиржон устоз, Сиз айтгандек, бизнинг умум Туркистон, шу билан бирга Волгабўйи, Ўролдан Кримга, у ердан Озарбайжон, Афғонистон, Шарқий Туркистон ва Усмонли давлати пайтидаги жадидлик ҳаракати XIX аср охири – XX аср бошларидаги жудааям кучли бир тараққийларвар зиёлилар уйғониши ҳамда демократия ва мустақиллик ҳаракати ўлароқ айниқса туркий халқлар орасида кенг ёйилган эди. Олдинга халқни уйғотиш учун эркин матбуот ва замонавий мактаб таълим-тарбияси бўлиб бошлаган бу ҳаракат қисқа муддатда сиёсий тус олди. Чор Россияси даври охири ва большеввойлар ҳокимиятининг илк даврида Мухторият ва кейин мустақил республикалар ташкил қилина бошлади: 1917 йили Крим, Туркистон, Алаш-Ўрда мухториятлари, 1918 йили Уфада Бутунроссия Турк-татарлари мухторияти, 1918 йили Озарбайжон жумҳурияти, 1920 йилда Бухоро ва Хоразм жумҳуриятлари. Мен бу ерда “республика” сўзи ўрнига “жумҳурия” сўзини қўллаганимнинг боиси, бу давлатларда “республика” атамаси ўрнига “жумҳурия” атамаси қўлланилгандир. Бухоро ва Хоразмда қурилган давлатларнинг тўлиқ номлари шундай эди: Бухоро халқ шўролар жумҳурияти ва Хоразм халқ шўролар жумҳурияти. Демак, уларда “совет” атамаси ўрнига Ислом давлатларида ҳам кенг истеъмол қилинаётган “шўро” атамаси қўлланилган: “Шўроий исломия” каби. 1878 йилдаги Усмонли давлати ва 1906 йилдаги Эронда машрутий тузулмларга ўтилганда, улардаги мажлис, яъни парламентга ҳам “шўро” дейилган.

Мухторият талабини таклиф қилган жадид Маҳмудхўжа Беҳбудийдир. У 1907 йилда “Туркистон маданий мухторияти” лойиҳасини Москвадаги Дума-нинг Мусулмонлар фракциясига топширади. Бу муҳим ҳужжатни мен 1999 йилда Исмоилбек Ғаспдали архивида топиб, 2001 йилда отам шарафига нашр қилган “Армуғон” китобида матни ва суратларини тақдим этган эдим. Устоз олимлар Бегали Қосимов ва Наим Каримов ушбу нашримни Ўзбекистонда ҳам эълон қилдилар. Лойиҳа “Туркистон маданий мухторияти” деб номланган бўлса-да, унинг моддаларига кўз ташланса маърифатпарвар Беҳбудийнинг фақат маданий эмас, сиёсий мухторият талаб қилгани ҳам аён бўлади.

Хусусан, лойиҳада ер-сувни бошқаришни туб аҳолига бериш, Туркистонга чет элдан мусулмон бўлмаган муҳожирлар олиб келиб жойлаштирилмаслиги, мактаблар бошқарувининг туркистонликлар қўлида бўлуви талаб қилинади.

Отам жадид адабиёти ҳақидаги илк чиқишини 1927 йилда Истанбулда нашр қилинган “Туркистон” журналининг 1-сонига ёзган бўлиб, мақола “Туркистонда янги адабиётнинг хусусиятлари” деб номланади.

Сиз санаб ўтган хорижлик олимлар жадидлик даври ҳақида кўп муҳим тадқиқотлар олиб борган. Улардан бири устозим, илмий раҳбарим, профессор Эдвард Олловорддир. Энг муҳим илмий изланиши докторлик диссертацияси бўлади: “Uzbek Literary



1991 йил. Эркин Воҳидов хонадонида.

Politics” (Ўзбек адабий сиёсати). 1965 йилда нашр этилган. Бу ғоят муҳим, ноёб тадқиқот. Унда ўзбек мумтоз, жадид ва совет даври адабиётидаги сиёсат таҳлил қилинади. Устозим, айниқса, ўзбеклар ва Туркистон тарихи мавзуларига кўп тўхталган. Умуман олганда, 1929–1992 йилларда Туркия, Германия, Франция, Буюк Британия, АҚШ, Япония, Ҳиндистонда жадид даври ҳақида илмий асарлар кўп нашр этилган. Жаҳон бўйича жадидлик алоҳида илмий тадқиқот соҳасига айланиб қолган. 1921–1923 йилларда Германияга ўқишга юборилган, бунга қадар Туркия университетларида таҳсил олган атоқли олим, профессорлар Тоҳир Чигатой, Иброҳим Ёркин ҳамда 1941 йили Германияга урушга юборилиб, сўнг ўша ерда қолган атоқли тарихчи Боймирза Ҳайит Туркистон тарихи ва жадидлик ҳақида муҳим асарлар нашр қилган.

Шу кунларда “Германияда Туркистон адабиёти: 1923–1945 йиллар” номли икки жилдлик адабиёт антологиясини тайёрлаялман. Германиядаги ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман адабиёти вакилларининг асарлари ўша пайтда адабий бақувват асар сифатида эътироф этилиб, лотин ёзувида чоп этилганича қолиб кетган. Ҳали чуқур ўрганилмаган бу асарларни сўнгги 30 йил ичида Германия ва бошқа мамлакатлардаги кутубхоналардан излаб топдим.

– Сиз ўз кутубхонаңгиздаги китобларини Бухорода ташкил қилинаётган кутубхона-марказга тақдим қилаяпсиз. Шу китоблар сон-саногу ва улар орасида Сиз жамлаган энг нодирлари хусусида маълумот берсангиз. Ўша манбалар тўғрисидаги маълумот бизнинг тадқиқотчилар фойдаланиши учун зарур деб ўйлайман.

– Менинг китобларимдан айримлари отамдан қолган “Ахлоқи носирий” каби қўлёзмалар; кўплари Европа мамлакатлари, АҚШ, Туркия, Ҳиндистон, Японияда турли тилларда босмадан чиққан Туркистон тарихига оид илмий асарлар ва эсдалик саёхатномалар; шунингдек, Чор Россия замонида оз сонда нашр этилган Туркистон ҳаётига тегишли фотоальбомлар; жаҳондаги барча туркий тиллар луғатлари, грамматика, шева-ларига доир

тилшунослик манбаларидан иборат. Улар орасида, қолаверса, Туркистоннинг турли жойларида, Қрим, Боғчасарой, Ўренбург, Қозон, Уфа, Боку, Истанбулда 1880–1920 йилларда чоп этилган жадид даврига оид китоб, журнал, газеталар архиви ҳам бор.

Бухорода тузилаётган алоҳида тадқиқот маркази учун мендаги 16 мингга яқин китоб ва журнал яхши манба бўлишига ишонаман.

– Жадидлик борасида олиб борилаётган илмий изланишларнинг қайси жиҳатлари сизга маъқул ва қайси қирраларидан кўнглиңгиз тўлмайдми?

– Архив материалларидан фойдаланилган асарлар жуда муҳим. Бундан кейин жадид адабиёти борасидаги таҳлилий асарларга кўпроқ зарурат бор. Жадид ёзувчиларининг насрий

асарлари, айниқса, Чўлпон ва бошқа жадид шоирлар шеърларидаги мажозларни қиёсан ўрганиш зарур.

Яна бир муҳим масала – ҳозирги ўзбек лотин ёзувини ислоҳ қилиш зарурати. Чунки ҳозир Ўзбекистонда ишлатилаётган кирилл ҳамда лотин алифбосида ёзилган матнларда жадид адабиётининг асл унли товушлари берилмаяпти, жадидлар ўз асарларида тўққиз унлидан фойдаланишган (ҳам араб, ҳам лотин имлосида), ҳозир ўзбек лотин ва кирилл алифбосида фақат олти унли ҳарф бор, бу жуда катта камчилик.

Туркий давлатлар ташкилоти 9 та унли товуш учун 9 та ҳарф бўлган 34 ҳарфлик мукамал туркий тиллар ўрта лотин алифбосини таклиф қилишди. Умид қиламанки, Ўзбекистонда ҳам ушбу алифбо маъқулланади, албатта.

– “Jadid” газетаси нашр этила бошлаганига бир йилдан ошди. Ундаги манбаларни кузатиб бориш имкони бўлди-ми сизда?

– Бу суҳбат орқали “Jadid” газетасига миннатдорлик билдираман. Унинг дастлабки сонларида менинг ҳам суҳбат, мақолаларим нашр қилинган. Умуман, газета жадидлик мавзусида кенг қўламда муҳим маълумотлар тақдим этмоқда. Унинг ҳар битта сонини электрон шаклда кузатиб бораман. Шундай теран мулоҳазали нашрининг жонқуярлигига, хусусан, таҳрир хайъати, ижодий жамоасига чексиз ҳурматимни билдираман.

– “Jadid” саҳифаларида айтишим лозим деган юракда тугиб юрган энг муҳим фикр-мулоҳазаларингиз бўлса, марҳамат.

– Унда яна бир янгилик ҳақида бошланғич маълумот берсам: икки йилча бўлди, “Бухородаги уй” номи роман ёзаялман, ўзбек тилида. Шу йилнинг кузакларида нийҳояласам, Тошкентда чоп этиш ниятим бор. Роман воқеалари Бухоронинг Лаби ҳовуз яқинидаги тарихий уйлاردан бирида кечади. Роман аввалида кўзи илинган қаҳрамонимизга кўхна кентдаги ва бошқа жойлардаги уйлар ҳикоялар айтиб беради. Умид қиламанки, асардан парчалар энг аввал “Jadid” газетасида нашр қилинади.

Баҳодир КАРИМОВ
суҳбатлашди.

ХОТИРА АЗИЗ



ҚАТАҒОН

ҚУРБОНЛАРИ

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).

Шокир Алимов – 1898 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Миллати ўзбек. 17-поликлиника ва 3-болалар поликлиникасида врач лавозимида ишлаган. Тошкент педагогика билим юртини, 1932 йили Тошкент тиббиёт институтини битирган.

1934 йилдан “Миллий истиқлол” ташкилотининг аъзоси бўлган. 1941 йили қизил армия сафига қақирилган ва 3–4 ой давомида ҳарбий врач сифатида лагерда ишлаган. 1942 йил 19 январда Ички ишлар халқ комиссарлиги органлари томонидан ҳибсга олинган. 5 йил муддатга меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1942 йил 20 январдан ҳисобланган.

У “Бояут” канали қурилишида қатнашган. 1942–1947 йилларда Қозғоғистондаги Қарағанда лагерига жазо муддатини ўтаган. 1947–1949 йиллари Оҳангарон районида шифокор бўлиб ишлаган. 1953 йилгача венеролог сифатида фаолият кўрсатган. Шокир Алимов 1957 йил 15 апрелда тўлиқ реабилитация қилинган.

Абдуқаҳҳор қори Сатторов – 1898 йили Андижон шаҳрида туғилган. Дўконда сотувчи бўлиб ишлаган. 1930 йил 28 декабрда “Миллий истиқлол” аксилнқилобий ташкилотининг аъзоси сифатида ҳибсга олинган. ЎзССР Жиноят кодексининг 17-, 58-моддалари билан айбланган. 1931 йил 25 апрелдаги суд коллегияси қарорига кўра, 10 йил муддатга қамоқ жазоси билан қонцлагерга ҳукм қилинган.

Убайдулло Сулаймонов – 1884 йили Андижон шаҳрида туғилган. Собиқ мироббоши. 1929 йил 6 ноябрда “Миллий истиқлол” аксилнқилобий ташкилотининг аъзоси ўлароқ ЎзССР Жиноят кодексининг 58-моддаси 10-банди билан айбланиб, ҳибсга олинган. 1931 йил 25 апрелдаги суд коллегияси ҳукми асосида 10 йиллик қамоқ жазоси билан қонцлагерга юборилган.

Тошпўлат Акбаров – 1894 йили Асака туманида туғилган. 1919–1930 йилларда коммунист партия аъзоси бўлган. 1930 йил 9 майда “Миллий истиқлол” ва “Ботир гапчилар” ташкилотининг аъзоси сифатида қамоққа олинган. ЎзССР Жиноят кодексининг 58-моддаси 4-, 11-бандлари билан айбланиб, 1931 йил 25 апрелда 3 йил муддатга қонцлагерга ҳукм қилинган.

Шоғафур Шомансуров – Наманган уездли Чуст шаҳрида туғилган. Отасидан ерта етим қолгач, ўз кунини ўзи қўришга мажбур бўлади ва 1911–1912 йилларда заводда ишчи, 1912–1916 йилларда газета тарқатувчи бўлиб хизмат қилади. 1916 йили мардикорликдан олинган. 1917 йилда мардикорликдан қайтиб, 1918 йили большевиклар партияси сафига кирган. 1919–1920 йилларда Чуст район милицияси бошлиғи, 1928–1929 йилларда Андижон округи ижроия кўмитаси раиси лавозимида ишлаган. “Миллий истиқлол” ташкилотининг аъзоси бўлгани ҳамда аксилнқилобий ҳаракати учун 1936 йили ҳибсга олинган. 1936 йили суд коллегияси ҳукмига кўра 3 йил муддатга қамоқ жазосига тортилган.

Мўминжон Ҳакимов – 1889 йили Андижон шаҳрида туғилган. “Миллий истиқлол” ташкилотининг фаолиятидаги иштироки ва аксилнқилобий ҳаракати сабаб 1936 йили ҳибсга олинган. Тинтув чоғида уйдан “Миллий истиқлол” ташкилотининг Усмон Ақромий ёзган аъзоликка қабул устави топилган. 1936 йили суд коллегияси ҳукмига кўра 3 йил муддатга қонцлагерга жўнатишган.

Х.Мирзакаримов – 1900 йили Андижонда туғилган. “Миллий истиқлол” ташкилотининг аъзоси бўлганлиги ҳамда Андижон округи “Янги турмуш” колхозида тузилган аксилнқилобий ғуруҳни Шоғафур Шомансуров билан бирга ташкил этганлиги учун айбланиб, 1936 йили ҳибсга олинган. 1936 йили суд коллегияси ҳукмига кўра 3 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

Шамси Нажмиев – Андижон шаҳрида туғилган. Андижон уезд-шаҳар партия комитетининг раиси лавозимида ишлаган. Кейинроқ Андижон шаҳридаги мактаблардан бирида ўқитувчилик қилган. “Миллий истиқлол” ташкилотининг Андижондаги бўлими аъзоларидан бири бўлган. Кейинги тақдирини номаълум.

Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор

Азизбек МАҲКАМОВ,
тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори
Нигорахон АКБАРОВА,
тадқиқотчи

(Давоми келгуси сонда).



“Шундай одамларни ахтарингки, улар билан суҳбат қурмоқ яхши китоб ўқимокка баробар бўлсин. Шундай китобларни ахтарингки, муталааси файласуфлар суҳбатига тенг бўлсин.

Абул Ҳасан БАХМАНЁР



ЗАРДА

**Тўй қилинг деб дўқ қилдинг, жоним,
Уй қилинг деб дўқ қилдинг, жоним.
Кўмиб турмуш ташвишлариға,
Зўр шоирни ... йўқ қилдинг, жоним.**
– деганда охират уйи обод бўлгур шоир
Баҳодир Исо юз марталаб ҳақ эди.

Дабдабали тўй керакмас, мен ўлсамам
пул сочиб арзон шўхрат пайда бўйимман,
тўйимни камхаржгина ўтказаман, ит бўлай
агар, дея қасам ичадиганларга ишониб юрма,
хўпми?

Ҳаммамизам кўча-кўйда, чойхонада, май-
лисларда насиҳатгўй камтарни “ёқволиб”,
ич-ичимизда ўз гапимизга қулиб ўтиргани-
миз ўзимизга ва бир Худога аён, жўра. Чунки
уйда хотин деган худойимнинг балоси бор.
Бир гапига кирмийсан, икки қовоғингни сола-
сан, уч ўқраясан, пучинчисида барибир бўй-
нингни қийшайтириб кўрсатмаларига “есть”
деб дўппинга шাপалогингни тираб турибса-
ну... Бу згов кечаю кундуз тинмай асабинга
ғижжакнинг камонидай ишқаланиб турса,
Абдуҳошим устанинг скрипкасиям туриш бе-
ролмаслигига мен капил. Алқисса, бизам кен-
жатайнинг бошини иккита қиладиган бўлқол-
дик. Тагини сўрасанг, ўзи бош деган жонивор
йўқ кенжа ботирчада. “Палаку” билан кеча
оқшом “бай-бай” қилдириб, бугун пешинда
“Нан”дан нонга зўрга ўтказовганмиз.

Буларинг “зед авлод”миш. Йўқ, безбет ав-
лод... Кечаю кундуз тилпон жонивордан бош
кўтармайди. Гапингни уч дақиқадан кейин
тахминан илғайди. Сочини лайлакнинг ини-
дек хурпайтириб, иштонни тўпикдан, пайпоқ-
ни бир пой қизил, бир пой зангоридан илвога-
нига ўлгинг кистайди.

Бу баччағар хотинни эплаб, аравасини
тортиб кетармикин, деб “аждарбону”га гап
ташласам, “тўшакнинг ичидаям тилпон билан
ётибди-ю”, деб негадир илжайиб қўйди.

Хуллас, ҳар куни уч маҳал десертга “уйла-
ниш қиёми”га қоқнон ботириб едим. Тушунма-
дингми? Хуллас, хотинни чакаги тинмайди.
Охири синдим...

Бор-е, дедим, менга нима, дедим, жабри-
ни ўзинг тортган, дедим. Писмқи она-бола
ишни пинхона битириб бўлган экан. Келин
нақд, қуда деразадан кафтини дурбин қилиб,
йўл қараб ўтирганимиш. Совчи борар-бормас
ризалик берилиб, “қуллук бўлсин”лар бошла-
ниб кетибди.

Чамамда, яна ўша тилпон иш битирдиёв.
Аравани тортган от, ҳансираган саёк кучук,
деганларидек, ана энди тўйнинг ташвиши ел-
камга Кўқон аравадек ағнади.

Ихчамгина тўйчи қиламиз, деб бош-
ланган камтарона маслаҳат ошидан “Кен-
жатайиннамни висол кечаси Мурод ўрисни



юбилейидан кам бўлса тўй ҳам, уй ҳам бу-
зилади”, деган ваҳшатли дағдағадан рангим
капаннусха бўлиб чиқдим.

Шошмай тур, ҳангома энди бошланади.
Йўқ, мен сарпо-суруқ, олди-берди, “бор таво-
ғим – кел тавоғим”, “отаюпатар”, “онаси хўр-
синди”, “жиян кўрди”, “бувиси қани?”, “қўш-
нилар хапа”, “улпат солди” ва бошқа жиддий
маросимларга тўхталиб ўтирмайман. Бу ёғи
хотин-халажга тан. Менга бор-йўғи тўйхона
топиш-у, дастурхон тўлдириш, концерт дас-
тури, кортеж уюштириш, мушакбозлик, пул
сочиш каби майда-чуйда масалалар тегди хо-
лос. Араббой ошнамдан, Лазизбек божамдан,
Жамол қўшнимдан, Мансур таксидан, Шукур
кассирдан, Шаҳриёр пўримдан, Зикрилло
карвондан “беш-беш” йиғиб, пича сармоя қан-
тардим. Бир кунлик тўй ғат-ғут ўтади деганла-
ри жа унчалигам тўғримасакан. Ишинг туша
тўйхона эгалари ўзини Худоёрхонни қайна-
тасидай тутаркан. Войбў-уй, буларнинг ди-
моғини! Биттаси стол санаб, иккинчиси стул
чамалаб, учинчиси идиш-товоғини мақтаб,

тўртинчиси ошпазини бозорга солиб, отасини
наرخини бичаркан. Бир пасда калондимог ол-
дида ер чизиб, чуша қип қўйган болачқдек
мулзам бўлиб қоларкансан. Бахтимга ма-
ҳаллақўм Дилмурод дўстим бор. Янгибод
бозорида эски музлаткичига харидор из-
лаб турсам, чирпит ҳиди анқиган наमतни
“тиламкетди” қилиб елкалаганча йўғғалаб
кепқолди. Кафтга кафт тегмасдан дардимни
тўқовдим, шўям муаммоми дегандек, ўрисча
“уйна” деганга ўхшаган товуш чиқарди-ю, ел-
камга қўл ташлаб, бир тўйхоначи синфдоши
борлигини, ниҳоятда олижаноб, одампараст,
савобталаб шахс суратини кўз ҳаракати ва
бармоқ ишоралари билан чизиб ташлади.

Бордик. Кўрдик. Келишдик. Айтганича бор
экан. “Беш” кетдим. “Тўйни харажати от би-
лан туя бўлмайди, менга пул керакмас, дуо
билан оқибат керак”, деб кўксига иягини қў-
йиб, сукутга кетганда жичча кўзёши ҳам киво-
рибман. Мана, бўлар экану!

Энди тўйбошини қўй-да, ҳангомани маҳал-
ламдан эшит. Тўй фалон куни деб таклиф-
нома бостириб қайтаётган пайтим кўчамга
бурилдим-у, шундоққина эшигим олдида экс-
каватор чўмичини оstonамга ташлаб тургани-
ни кўриб, капалагим тўзиб кетди. Бир жугуд-
нусха барзанги кўзининг соққасини ўйнатиб,
қайдадир ерости кабели узилганини, гумон
шу жойдалигини, ҳозироқ қовлаб текшириб
кўрмаса ҳоким моховга ошна қилишини пи-
шиллаб ўқтирди. Яхшиям бахтимга маҳал-
лақўм Дилмурод ўжар бор. Валасапетни ғий-
қиллатиб кепқолди-ю, кўзимга Хизр кўриниб
кетди. Жон ука, дедим. Кейинги ҳафта тўй,
эшик олди бўмба тушгандай вайрон бўлиб
ётса, қудалар олдида нима деган одам бўла-
ман? Дарров тушунди. Савдолашиб, қазил-
ма ишларини кейинги ойда қолдириб берди

барака топкур. Шу жойда “беш” кетдим. Эр-
тасига саҳарлаб эшигимни газчилар қокди.
Нима эмиш, профилактика ишлари билан ўн
кунга тармоқдан узиб туришармиш. Яна Дил-
муродга сим қокдим-у, “беш” кетдим. Кейинги
кун сувчилар ташриф буюрди. Қувурлар эс-
киргани учун халқ манфаатини кўзлаб янғиси-
га шошилини алмаштириш керак экан. Яша!
Уларнинг “шошилини”ини яхши биласан. Бир
ковлашга тушса, қорбобо билан икки марта
кўришасан. Телефон қилсам кўтармаганди,
ўзим бориб ўжарни етаклаб келиб тинчит-
дим. Бундаям “беш” кетишимга тўғри келди.
Энг хунуги, никоҳ куни саҳарлаб рўй берди.
Эснаб кўчага чиқсам, не кўз билан кўрайки,
рўпара қўшнимни деворига узун “темир эшак”
тиралиб, устига атлас якондоз ташланган. Ўзи
кўқондўппини кўнқайтириб, кўктўнни устидан
лас белбоғ танғиб олибди. “Ҳа, тинчликми?”
десам, қовоғини уйиб, “Қайнонам оғирлашиб
қолди, ана кетар-мана кетар бўп жон тала-
шиб алаҳсиб ётибди”, деб энги билан қово-
ғини пича ишқаб турди. “Ўбба, палакат-е, бу
ёғи нечуплдан тушди энди?” деб меровланиб
турсам, бахтим очилиб, Дилмурод ҳожатба-
рорим нонтугун кўтариб йўғғалаб ўтиб қолса
бўладими! Менга қайишиб, қўшним Камол
сололга дангал “Қайнонанг ўладиган бўлса,
ўзини уйда ўлмайдим, иззатини билсин-
да!” деб закўн талашди. Ўзи қўшним ёмон
йигитмас, уч-тўрт марта майда-чуйда шўхлик
билан озгина “ўтириб” чиққанини айтмасанг,
жуда оқибатли бола. “Беш” кетдим. Қайнона-
сини “кўз очиб кўрган” уйдан чиқарадиган
бўлди. Одамгарчилиги бор-да!

Менга қара, қалланг жойидами? Шашма!
Гапни шакалад жойи энди келди. Бирпас чи-
даб тур! Хуллас, тўйни хотин акам сенарийси
асосида болохонадор қилиб ўтказдик. Тафси-
лотини айтгани тил ҳам, юрак ҳам ожиз. Тўй
тугаб, келин-куёвни чимилдикқа қузагач, энг
даҳшатли ишқал юз берди. Ҳалиги тўйхона-
боши бор эди-ю, мулоийм мушук. Бир пайт
қарасам, тўй тарқагач, арслонга айлиниб
копти, писта-бодом, қанд-курс, иссиқ-совуқ,
хўл-қуруқ, нон-чой, ош-пош, норин-ҳасип,
гўрди-бало... нархини эшитсанг, камаринг
пўст ташлайди. Серрайиб қолдим. Қарасам,
ёнимда нонтугун кўтариб турган маҳаллақўм
аллақачон қуёвни чизворипти. Нимаймиш,
фалонча биллур идиш-товоқлар, италиён
стол-стуллар, иккита қандил, битта қозон,
учта сомовар, иккита эшик ҳамда бир нафар
раққоса бетарбия куёвнавкарлар томонидан
яқсон қилинганмиш. Хотинлар томонидан
ресторан пардалари, дастурхон-сочиклар,
қошиқ-санчқик, қадаҳ ва ликоллар шафқат-
сиз ўзлаштирилганмиш. Хўп, майда-чуйдани
сўмка-пўмқасига жойлаб ўмаргандир, лекин
қоса-товоқни қанақай опчиқиб кетишдийкин?

Хуллас, номарддан икки ҳисса деганла-
ридек, аканг қарағай ўн ҳисса “беш” кетди.
“Бўтта хотинлар причом?” дейсаними? Тўғри,
биз эркаклардаям айб катта. Живовга қўшиб
пултнинг бериб қўйганмиз. Дашномни тўғри
ташладинг, қойилман. Лекин “беш” кетмай-
ман. Кетолмайман, иложим йўқ.

Мулла ХУНОБ

ТАРМОҚЛАРДА НИМА ГАП?

ЭРКАКЛАРНИ ЛАТТА-ПУТТАГА
ЎРАЛАШТИРИБ ТАШЛАДИК

Кеча Ўзбекистонда тўйлар тартибга
солиниш ҳақидаги хабар тарқалди.
Бугун эрталаб ишга келаётган эдим.
Микроавтобуснинг менга яқин ўрин-
дигида ўтирган икки аёл шу хусусда
гаплашиб борапти. Тешик қулоқ – ис-
тамасангиз ҳам гаплари эшитилади.
Тушунишимча, тўй бошлаган.

Тўйни қисқартириш талаб-
лари қўйилгунча тезлатиш-
моқчи экан. Қудаларни шун-
га кўндирибди (Бир кечада!
Қойилман). Аввалги тўйида
карантин сабаб ҳамма қа-
риндошини айта олмай, қавм
чақирдиси кўпайиб чарчаб

кетган экан. Бу гал катта тўй
қилиб, ҳамма қариндошини
биттада айтмоқчи экан. Ке-
лин салом, чалларниям орзу-
ҳаваси бўйича ўтказиб олар-
миш. Гапириб юборишдан
зўрга ўзимни тийдим. Эркак-
ларнинг белини майиштириб

юборинглар энди келинса-
ломчига минг доллардан
пул тўлаб. Буларнинг энг кат-
та орзуси келиннинг олдига
рақсга тушиб бориб кўрмана
бериш, қуданинг совғасини
олиш...

Эркакларни латта-путта,
майда орзуларга ўралашти-
риб ташладик, опа-сингилла-
рим. Улар ҳам катта орзулар
қилсин. “Тўй қилдим, деб ке-
рилган” (келинсаломда айти-
лади) тўрадан кўра чемпион-
ларнинг, аҳли илмларнинг,
Гарвард талабаларининг
отаси бўлиб керилсин. Бир
йигитча дунёни текин интер-
нет билан таъминлайман,
деб изланаяпти, яна бири
интернетнинг муқобилини
истеъмолга олиб кираман,
деб оламшумул янгиликлар
устада ишляпти. Бу ёқда...
чаллар муаммоси. Яхшиям
манзилим яқин эди, тушиб
қолдим.

Манзура ШАМС
Фейсбук

ТИЛБИЛИМ

“ЧОШТЕПА”ДАГИ
“ЧОШ” НИМА?

Юртимизда *Чоштепа* деб аталадиган
жойлар бор. Тошкент шаҳрининг Зан-
гиота зиёратгоҳи йўлида ҳам шундай ҳу-
дудни кўргандирсиз. Хўш, *Чоштепа*даги
чош нима?

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”га кўра
чош сўзи тозаланган ғалла, пахта ва шу
кабиларнинг хирмондаги уюми, уйилган
ғалла, хирмон маъносини билдиради.
Демак, *чоштепа* дегани *хирмонтепа*
дегандир. Мамлакатимизда Хирмонте-
па деган жойлар ҳам бор.

Халқимиз орасида “Қариндошингни
ошга чақир, чошга чақирма” деган мақол
бор. Бу мақол ошга чақирилган қарин-
дош фақат ошнинг ўзини еб кетади, чош-
га чақирилган қариндош хирмонга шерик
бўлиб, улушини олиб кетади деган маъ-
нода ҳазил оҳангига айтилган.

Эшқобил ШУКУР

Jadid

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИРЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ
ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИМИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ
Қўллаб-қувватлаш
ВА РИВОЖЛАНТИРИШ
ЖАМОАТ ФОНДИ“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ”
ЖАМОАТ ФОНДИБош муҳаррир:
Иқбол МирзоМасъул котиб:
Шўхрат АзизовНавбатчи муҳаррир:
Шавкат БобомуродовСаҳифаловчилар:
Эркин Ёдгоров
Нигора ТошеваМуаллиф фикри тахририят фикри
билан мос келмаслиги мумкин.Тахририятга юборилган мақолалар
муаллифга қайтарилмайди ва улар
юзасидан изоҳ берилмайди.Газета 2023 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
хузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 195115 рақам
билан рўйхатга олинган.

Адади – 20667

Шундан:

Кирилл ёзувида – 8 050

Лотин ёзувида – 12 617

Медиа кузатувчилар – 43 079

Бююртма: Г – 439

Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.

Нашр кўрсаткичи – 222.

Ташкилотлар учун – 223.

1 2 3 4 5 6



Манзилимиз:

Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани,
Навий кўчаси, 69-уй

Телефонлар:

Қабулхона: (71) 203-24-20

Девонхона: (97) 745-03-69

jadidgzt@mail.ru (71) 203-24-17

Jadid_gazetasi@exat.uz

“Шарқ” наشريёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонаси.

Босмахона манзили:

Тошкент шаҳри,

Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00

Босишга топширилди: 19:00

Сотувда нархи эркин.



www.jadid.uz